

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.71**

РИХСИЕВ БОБИРЖОН ТОХИРЖОНОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЖАМҒАРМА ИШИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Мутахассислик: 5A230701-«Банк иши»
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Э.Саидов

ТОШКЕНТ-2016

Диссертация Тошкент молия институти «Банк иши» кафедрасида
бажарилган.

Илмий раҳбар

Э.Саидов

Кафедра мудири

и.ф.н. Д.Саидов

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доц. У.Ортиқов

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3-8
1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЖАМҒАРМА ИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ....	9-36
1.1 Банк ресурсларини шакллантиришда аҳоли жамғармаларининг аҳамияти.....	9-20
1.2 Тижорат банкларида аҳоли жамғармаларини ташкил этишнинг асосий мезонлари	20-35
Биринчи боб бўйича хулоса.....	35-36
2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ АҲОЛИ ЖАМҒАРМА ЛАРИНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ.....	37-59
2.1 Республикамиз тижорат банклари депозит операцияларининг амалий ҳолати	37-45
2.2 Аҳоли жамғармаларини амалдаги ҳолати таҳлили	46-58
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	58-59
3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЖАМҒАРМА ИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	60-72
3.1 Тижорат банклари депозит сиёсати ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ечимлари	60-66
3.2 Тижорат банклари аҳоли омонатларини жалб қилиш ва расмийлаштиришдаги мавжуд муаммолар ечимлари.....	66-71
Учинчи боб бўйича хулоса.....	71-72
ХУЛОСА	73-75
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	76-80

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Банк тизимининг аҳоли билан ўзаро муносабатлари кўп қирралидир. Аҳолининг банкдаги омонат жамғармалари тижорат банкларининг ресурс базасини ташкил этади. Аҳоли банк хизматларининг асосий истеъмолчисидир. Бозор муносабатларига ўтилгач, аҳолига банк хизматларининг кўрсатилишини ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Банклар фуқароларнинг пул маблағларини жалб этиш бўйича самарали сиёсат олиб бориб, зарурий такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдилар. Улар мураккаб молиявий иқтисодий муносабатлар тизимида ўз функцияларини бажармоқдалар. Бозорнинг мустақил субъекти сифатида банклар ҳамиша ўз тижорат фаолиятларини олиб боришлари учун молиявий ресурслар етишмаслиги каби муаммоларни бошдан кечириб келмоқдалар.

Соҳа тизимларининг даврий интервалдаги ўзгариб бориши, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари бир-бирлари билан узвий равишда такомиллашиб боришида асосий соҳалардан молиявий донорлик вазифасини бажарадиган банк соҳаси, моҳиятан катта аҳамият касб этади. Мазкур банк-молия тизими барқарор равишда фаолият юритмас экан, бошқа соҳаларнинг ривожланиши ҳам, хусусан соҳа вакиллари бўлмиш йирик саноат ва қурилиш муассасаларни вақти-вақти билан кредитлаштириш, ёки бўш қолган маблағларни депозит қўйилмаларига жалб қилиш ҳисобланади.

Банкларнинг молиявий маблағларининг асосий қисми ўз ресурс маблағлардан ташкил топади. Банк ресурсларини чексиз равишда жалб қила олмайди, чунки мазкур ҳолат ҳар бир давлатнинг Марказий банки томонидан белгилаб берилган бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси банк сиёсатини мисол тариқасида оладиган бўлсак, жалб қилинган маблағлар ҳисоби капитал миқдорига боғланган меъёр сифатида чегараланмай, бошқа иқтисодий нормативларни белгилаган ҳолда банк назоратини олиб боради. Хусусан, банклардаги олиб борилаётган депозит сиёсатининг фундаментал шаклланишида:

- ❖ Капиталнинг етарлилик даражаси;
- ❖ Бир қарз олувчининг максимал даражада белгилаш;
- ❖ Аҳолидан бўш пул маблағларини максимал даражада жалб қилиш меъёрини белгилаш даражаси ва ҳоказолар.

Барча тижорат банкларининг асосий даромад келтирадиган операцияларидир бири бўлган депозит операцияларидир. Банкнинг депозит сиёсати – бу банкга маблағларини жалб қилиш ва уларни бошқарилишини самарали ташкиллаштиришдан иборат. Уни ташкиллаштириш банкнинг ликвидлигини таъминлаш ва зарурий ҳолларда қарз маблағларидан фойдаланиш ҳамда фойда олиш даражасини ошириш, рисклар даражасини камайтириш мақсадларини ўз ичига олади. Аҳоли омонатлари кўринишидаги миллий иқтисодиёт инвестиция салоҳиятини амалга ошириш мақсадида ушбу жамғармаларни банк соҳасига жалб этишнинг энг мақбул усуллари ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун энг муҳими – фуқароларнинг банк-молия тизимига, шунингдек, миллий валютага нисбатан ишончини қозонишдир.

Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир¹.

Банк тизимининг аҳоли билан ўзаро муносабатлари кўп қирраллидир. Аҳолининг банкдаги омонат жамғармалари тижорат банкларининг ресурс базасини ташкил этади. Аҳоли банк хизматларининг асосий истеъмолчисидир. Бозор муносабатларига ўтилгач, аҳолига банк хизматларининг кўрсатилишини ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Банклар фуқароларнинг пул маблағларини жалб этиш бўйича самарали сиёсат олиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

бориб, зарурий такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдилар. Президенти таъкидлаганидек, “2015 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами реал даромадларнинг ўсиши 9,6 фоизни ташкил этди. Аҳоли даромадлари ва истеъмол харажатларининг барқарор ошиши, ўз навбатида, 2015 йилда чакана савдо айланмасининг 15 фоиздан зиёдга ошишига замин яратди. Натижада йилдан йилга аҳолининг банкларга қўядиган омонотлари салмоғи ҳам ошиб бормокда.”²

Шундай қилиб, аҳоли реал даромадлари ортиб борар экан, уларнинг тўплаётган жамғармалари миқдори ҳам ортиб боради. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банкларининг жалб қилинган депозитларининг умумий ҳажми 35,6 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2015 йил бошига нисбатан 28,0 фоизга ошганини кўришимиз мумкин³

Тижорат банклари бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция фаолиятини молиялаштирувчи ва умуман, иқтисодиётда молия ресурсларини қайта тақсимлашни амалга оширувчи муҳим молиявий институт ҳисобланади.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларида жамғарма ишини ривожлантиришда, жумладан, уларнинг депозит базасини мустаҳкамлашда бир қатор ҳал қилинмаган масалалар, камчиликлар сақланиб қолди. Чунончи, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида трансакцион депозитлар салмоғининг нисбатан юқори даражада қолаётганлиги, тижорат банкларининг ресурс базасини шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи мажбурий захира талабномаларининг мавжудлиги ва бошқа шу каби муаммолар мавжуддир.

Мазкур диссертация ишида асосий эътибор қайд этилган муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ва уларни ҳал этишга қаратилади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг бош мақсади бўлиб, тижорат банклари депозит сиёсатининг амалдаги ҳолатини таҳлил

²w.w.w. cbu.uz. 2015 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

³w.w.w. cbu.uz. 2015 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

қилиш асосида бу борада мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ва уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- тижорат банклари депозит сиёсатининг моҳиятини очиб бериш;
- тижорат банклари аҳоли жамғармаларининг назарий асослари, шаклланиш принциплари, мақсади ва вазифалари;
- тижорат банклари депозит сиёсатининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- республикамиз тижорат банкларининг депозит сиёсатининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;
- республикамиз тижорат банкларининг депозит сиёсатининг самарадорлигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор йирик тижорат банкларининг фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб эса, миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсатини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан такомиллаштириш зарурияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- тижорат банклари депозит сиёсатининг моҳияти очиб берилган;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит сиёсатининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган ва бу борада мавжуд бўлган асосий тенденциялар аниқлаб берилган;
- республикамиз тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор асосий муаммоларнинг моҳияти очиб берилган. Хусусан, айрим йирик банкларнинг депозит

базасини нисбатан заифроқ эканлиги муаммоларининг моҳияти очиб берилган;

-республикамиз тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш мақсадида мажбурий захира тизимини такомиллаштириш йўли таклиф килинган ва бунда юқори захира ставкаларини трансакцион ва корхоналарнинг жамғарма депозитларига нисбатан белгилашни мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган. Бундан ташқари, хорижий валютадаги депозитларни жалб қилишни кучайтириш мақсадида уларга тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш йўли асослаб берилган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, Ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг депозит сиёсатига оид илмий изланишлари ҳисобланади.

Тадқиқот услубиёти молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, коэффицентлар усули, иқтисодий-статистик усул, таркибий таҳлил усули каби асосий усулларга таянади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банк депозитларини бошқаришга оид хорижий назарияларни тадқиқ этишда Диана Мак Нотон, Д.Полфреман, С.Питер Роуз, Т.Коуленд, Е.Фейм, Ф.Форд, Д.Ходжемен ва бошқа иқтисодчи олимларнинг ишлари муҳим назарий-услубий асос ролини ўйнайди. Умуман банк фаолиятини кўриб чиқишда МДХ давлатлари олимларидан Бор М., Герасенко В.В., Грязнова А.Г., Жуков Е.Ф., Красавина А.Н., Колесников В.И., Лаврушин О.И., Лapidуса М.Х., Мамонова И.Д., Панова Г.С., Севрук В.Т., Соколинская Н.Э., Усоскин В.М., Уткин Э.А., Черкасов В.Е., Ширинская З.Г. ва ҳоказоларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ўзбек иқтисодчи-олимлари ва амалиётчиларидан Ё.А.Абдуллаев, Ш.З.Абдуллаева, С.А.Бержанов, Т.И.Бобоқулов,

М.Ш.Шарифхўжаев, Д.Г.Ғозибеков, О.О.Олимжонов, А.О.Камолов, Т.М.Қоралиев, А.К.Қодиров, Ш.М.Тошмуродов, А.У.Ўлмасов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида банк тизими, хусусан тижорат банклари самарали фаолиятини таъминлаш масаласига оид фикр мулоҳазалари диссертация мавзусига оид изланишларнинг олиб борилишида муайян ҳиссани қўшган.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги алоҳида амалий таклифлар ва тавсиялар республикамиз банклари томонидан депозит сиёсатини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Ишнинг таркибий тузилиши. Диссертация иши кириш, уч асосий боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Ишнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгиликлари ва тадқиқотнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Ишнинг **биринчи бобида** тижорат банкларида замонавий жамғарма ишини ривожлантиришнинг назарий асосларининг моҳияти очиб берилган.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** тижорат банкларидаги аҳоли жамғарма-ларини амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида асосий эътибор банкларнинг депозит базасининг барқарорлиги масаласига қаратилди.

Илмий ишнинг **учинчи бобида** тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, тижорат банкларида замонавий жамғарма ишини ривожлантириш йўллари билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти очиб берилган ва уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар шакллантирилган.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий таклифлар ўзининг қисқача ифодасини топган.

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЖАМҒАРМА ИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Банк ресурсларини шакллантиришда аҳоли жамғармаларининг аҳамияти

Тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий жихатидан энг асосий ўринлардан бирини эгалловчи депозит сиёсати молиявий жихатдан пул оқимларининг мутаносиблигини таъминлаб туриш ва мазкур молиявий инструментлардан юқори фойда олишни ягона бир стратегик тизим сифатида мужассамлашган бўлади. Тижорат банклари специфик йўналиши жихатидан ҳар хил турларга бўлинганлигига қарамай ўзига хос депозит сиёсатига эга бўлади. Мазкур депозит сиёсати барча молия муассасаларнинг юқори даромад келтирадиган бўғинларидан бири ҳисобланади. Депозит сиёсатининг асосини ташкил этувчи банк ресурслари базаси депозит портфелида мужассамлашган бўлади. Мазкур депозит портфели жойлаштирилган ва жалб этилган ресурслардан ташкил топган бўлади.

Жойлаштирилган банк ресурслари базасига:

- ❖ Банклараро муддатли ва фоизли депозитлар;
- ❖ Кредитлар;
- ❖ Кредит линияси бўйича очилган аккредитивлар;
- ❖ Факторинг операциялари;
- ❖ Бошқа турдаги дериватив фоизли депозитлари киради.

Жалб қилинган банк ресурслар базасига:

- ❖ Банклараро муддатли ва фоиз депозитлари;
- ❖ Ҳар хил турдаги омонатлар;
- ❖ Корпоратив омонат инвестициялари киради.

Тижорат банкларининг ғазначилик бошқармалари томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган жойлаштирилган ва жалб қилинган ресурслар базаси ўртасидаги мутаносибликларни фоиз белгилаш ва муддат ўрнатиш йўли орқали бошқарилади.


Банк амалиётида «депозит» деганда, жаҳон банк амалиётида сақлаш учун молия-кредит ёки банк муассасасига берилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар тушунилади. Банкларда «депозит» тушунчаси деганда, банк омонатлари билан бир қаторда божхона тўловлари, йиғимлар, солиқлар ва хоказоларни тўлаш учун киритилган бадаллар ҳам тушунилади.⁴

Депозитлар депозит операциялари объектлари бўлмиш жисмоний ва юридик шахслар томонидан муайян муддатга ёки талаб қилинганида бериладиган қилиб банкдаги депозит ҳисоб рақамига киритиладиган муайян миқдордаги пул маблағларидир.

Активларнинг катталиги учун жавоб берадиган бошқарувчилар банкнинг активлар портфелига тўғридан-тўғри ссудалар ва инвестицияларни қўшиш учун миждозларнинг қайси бирига кредит тақдим қилиш маъқул келишини олдиндан кўра бўлиши лозим. Банк нафақат бугунги кун учун, балки келажак учун ҳам кредитлар беришга тайёр бўлиши керак. Яъни, у банк миждозлари эҳтиёжини хусусан, йирик қарз олувчилар эҳтиёжини олдиндан башорат қила олиш лаёқатига эга бўлиши зарур. Бу башорат банк хизматчилари ва ҳақиқий ёки бакуват миждозлар ўртасидаги доимий мулоқотлар натижасида олинадиган маълумотларга асосланган бўлиши керак.

Депозитлар ҳали ҳам маблағларни шакллантиришнинг асосий манбалари бўлиб қолсада, бугунги кунда қаръийб барча банклар қисқа муддатли сармоя бозорларига нодепозит маблағларни жалб қилишга кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Таъкидлаб ўтилганидек, давлат фондлари бозори, давлат захира банкларининг дисконт туйнуклари орқали бериладиган ссудалар, ўтиб юрувчи депозит сертификатларини сотиш, қимматли қоғозлар бозори ва қайта сотиб олиш тўғрисидаги шартномалар уларнинг асосий манбалари бўлиб ҳисобланади.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Тошкент: Молия, 2007. -312 б.



1 -расм. Тижорат банки депозит сиёсатининг шаклланиш схемаси ⁵.

Тақдим қилинаётган ссудалар ҳажмини ёки қимматли қоғозларга бўлган инвестицияларни молиялаш учун банк учун депозитларнинг қанча миқдори лозим бўлиши натижасида қарор қабул қилинганда, сал бошқачароқ йўл тутилади. Бироқ шу ҳолатда ҳам қўйилмаларнинг ва ҳисобварақада миқдорларнинг хусусан, йирик депозитларнинг ҳисобварақалардан оладиган маблағларининг башорати, албатта, амалга оширилиши лозим. Депозитлар катталикларини башорат қилишда жорий ва келажакдаги иқтисодий шароитларини, фоиз ставкаларини ва йирик омонатчилар томонидан талаб қилинаётган нақд пул оқимларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиш лозим.

Нодепозит манбаларга мурожат қилганда банкирлар, энг аввало, захираларга бўлган умумий эҳтиёжларни баҳолаб чиқишлари лозим. Бунинг учун фондлар ўртасидаги фарқни ўлчаш усули қўлланилади. Бунда жорий ва кутилаётган ссудалар ҳамда инвестициялар билан жорий ва кутилаётган депозит оқимлари ўртасидаги тафовут аниқланади.

Шундан сўнг, энг мақбул фондларнинг нодепозит манбаси танланади.

Бунда қуйидаги бешта асосий омил ҳисобга олинади:

1) унинг нисбий қиймати;

² Муаллиф томонидан маълумотлар асосида мустақил ишлаб чиқилди.

2) уларнинг ҳар бири учун беқарорлик ёки ишончсизлик таваккалчилиги;

3) нодепозит маблағлар зарур бўладиган вақт оралиғи;

4) қарз олувчи банкнинг ўлчами ва унинг фондларга бўлган эҳтиёжи;

5) ҳукуматнинг тартибга солувчи меъёрларига мувофиқлик.

Захира талаблари банклар томонидан нодепозит қарзлардан фойдаланишнинг муҳим қоидаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У бошқарувчилар кенгаши томонидан белгиланади. Мажбуриятларни депозит усули орқали жалб қилиш. Тижорат ташкилотининг бир тури сифатида банк муассасасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг ресурсларининг катта қисми ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки жалб этилган маблағлар ҳисобига ташкил этилади. Банк бошқаруви ва ҳамкорларининг корхона, ташкилот, фирмалар ва аҳолини маблағларини банкнинг омонатларига жалб эта олиш қобилияти - бу банкларни жамоатчилик олдидаги обрўсини ифодаловчи мезон бўлиб хизмат қилади. Қўйилмалар банк кредитлари учун «хом ашё» ҳисобланади, бу билан қўйилмалар банк фойдасини оширувчи манба ҳисобланади десак муболаға бўлмайди. Тижорат банкларининг депозит операциялари шундай операциялар ҳисобланадики, бунда банклар юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини омонатларга жалб этадилар. Ривожланган мамлакатларда депозит операцияларининг жами пасивлардаги улуши 95% гача етади. Иқтисодий таркиби бўйича депозитларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Муддатли депозитлар;

2. Талаб қилиб олингунча депозитлар;

3. Аҳоли жамғарма қўйилмалари;

Бу гуруҳларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари бўйича таснифланади.



2 - расм. Депозит турларининг таснифланиши.⁶

Муддатли депозитлар ўзларининг муддатларига боғлиқ равишда таснифланади:

- 3 ойгача бўлган муддатли депозитлар;
- 3 ойдан 6 ойгача муддатли депозитлар;
- 6 ойдан 9 ойгача муддатли депозитлар;
- 9 ойдан 12 ойгача муддатли депозитлар;
- 12 ойдан ошиқ муддатли депозитлар.

Талаб қилиб олингунча депозитлари маблағларнинг ҳарактери ва эгасига боғлиқ равишда таснифланади.

❖ турли мулкчилик шаклларига асосланган корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоблар, жорий ва бюджет счётларидаги маблағлари,

❖ иқтисодий мақсади бўйича ҳар хил фондлар сақланадиган махсус

⁶ Муаллиф томонидан маълумотлар асосида мустақил ишлаб чиқилди.

счётлардаги маблағлар,

- ❖ капитал қўйилмалар учун сақланаётган корхоналарнинг ўз маблағлари,

- ❖ корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китобларидаги маблағлари,

- ❖ корреспондентлик счётларидаги бошқа банклар билан ҳисоб-китоблар учун маблағлар,

- ❖ маҳаллий бюджетларнинг маблағлари жамғарма қўйилмалари уларнинг сақланиш хусусиятлари бўйича классификацияланади:

- муддатли;
- муддатли қўшимча ажратмалар билан;
- ютуқли;
- пул-буюм ютуқли, мукофотли;
- шартли;
- жорий счётлар;
- талаб қилиб олингунча;
- жамғарма сертификатлари;
- пластик карточкалар;
- кредит карточкалар ва бошқалар.

Муддатли қўйилмалар (омонатлар) - бу депозит счётларидаги қўйилмалар бўлиб, унинг эгаси ўзининг қўйилмасидан маълум даврга фойдаланишдан воз кечади. Муддатли депозитлар қўйилма бўлгани учун улар банкнинг жалб этилган маблағлари ҳисобланади. Улар одатда тўлиқ суммада қабул қилинади. Кўпинча қўйилманинг минимал қиймати ҳам талаб этилади (масалан, 10000 сўм). Кўпчилик банк муассасаларида одатда муддатли қўйилмаларга қўйилма қилиш фақатгина тадбиркор мижозларга рухсат этилади, хусусий мижозлар (аҳоли)га эса жамғарма қўйилмаларга қўйилма қилиш тавсия этилади.

Муддатли қўйилмалар омонатчи томонидан маълум мақсадларга йўналтирилсада, лекин омонатчи ўзининг қўйилмасидан хоҳлаган вақтида фойдалана олмайди. Омонатчининг ўз қўйилмасини қайтариб олиш ҳуқуқини

ўрнатилган икки хил шакли мавжуд:

- муддати аниқ белгиланган муддатли қўйилмалар;
- олдиндан талаб қилиб огоҳлантириладиган муддатли қўйилмалар.

Масалан, 15 май куни 3 ойлик муддатли қўйилма қўйилса, қўйилмани қайтариш муддати 15 августда келади. Омонатчи шу муддатдан кейин қўйилмани қайтаришни талаб қилиши мумкин.

Энди иккинчи шаклга келсак, омонатчи 15 майда олдиндан талаб қилиш огоҳлантириладиган муддатли қўйилма қилса, омонатни қайтариш муддати фақатгина қайтаришни талаб қилиш муддатидан кейин амалга оширилади. Масалан, огоҳлантириш 13 сентябрда қилинса, у ҳолда қўйилмани қайтариш 13 декабрда амалга оширилади. Бу икки шаклдан амалиётда кўпроқ биринчи шакл ишлатилади. Муддатли қўйилмалар бўйича фоизлар ҳисобланади. Фоиз ставкаси келишув билан белгиланади. Бошқа нархлар сингари улар ҳам талаб ва таклиф асосида белгиланади. Фоиз ставкалари ҳақида қуйидагини айтиш мумкин: кўпгина банкларда қўйилманинг муддати, қанчалик узун бўлса, фоиз ставкаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Лекин, яна шундай қўйилмалар суммаси қанчалик юқори бўлса, фоиз ставкалари ҳам шунга мос равишда юқори бўлиши ҳам кўп кузатилади.

Муддатли депозитларнинг омонатчилар учун фойдали томони шундан иборатки, улар бу қўйилмалар бўйича талаб қилиб олингунча депозитларга нисбатан анча юқори фоизли даромад оладилар. Бу омонатчилар учун рағбатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Муддатли омонатларда талаб қилиш муддати аниқ белгиланганлиги сабабли, унинг эгаси шу давр ичида бу маблағлардан фойдалана олмайди. Агарда омонатчи қўйилмани муддатдан олдин талаб қилса, улар бўйича фоиз тўланмаслиги ёки жуда паст миқдорда тўланиши мумкин. Бу жиҳати мижоз учун бу депозитнинг камчилиги ҳисобланади, яъни мижоз учун бу депозит ликвид ҳисобланмайди ва мижоз бу депозитдаги маблағлардан жорий тўловлар учун фойдалана олмайди. Банклар учун муддатли депозитлардан устунлиги шундан иборатки, муддатли қўйилмаларни талаб қилиб олингунча қўйилмаларига нисбатан

кредит операцияларига самаралироқ жойлаштириш мумкин. Чунки банклар депозит муддати давомида бу маблағлардан эркин фойдаланиши мумкин. Яна бир устунлиги муддатли депозитлар бўйича мажбурий резерв нормаси талаб қилиб олингунча депозитларникига нисбатан анча паст бўлади. Шундай қилиб, муддатли депозитларни мижоз учун устунлиги юқори фоиз даромадларни олиш бўлса, банк учун эса банкнинг ликвидлилигини нисбатан кам миқдордаги оператив резерв билан ҳам таъминлаш имкониятидир.

Унинг асосий қисми жисмоний шахслар маблағлари ҳисобига шакллантирилган. Бу албатта республика банк тизимида кейинги йиллар мобайнида аҳоли қўлидаги бўш маблағларини муддатли депозитларга жалб қилиш борасида амалга оширилган бир қатор чора тадбирларнинг бошқа тижорат банклари қаторида тижорат банкида ҳам ўз самарасини бераётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Жамғарма депозитлари бу қўйилмаларни деярли барча банклар қабул қилади, фақатгина бошқа соҳага ихтисослашган банклар қабул қилмаслиги мумкин. Хорижий банкларда жамғарма қўйилмалари рентабелликни таъминлаш учун молиялаштиришни асосий манбаларидан ҳисобланади. Бу депозитнинг муддатли депозитдан фарқи шундан иборатки, бу депозитга кўпинча аҳоли қўйилмалари қабул қилинади, муддатли депозитларга эса суммаси юқори бўлган қўйилмалар қабул қилинади.

Жамғарма депозитларига қўйилмалар бўлаклаб қўйилиши ёки олиниши мумкин. Мижоз ҳар доим ҳам ўз депозитидаги маблағни қайтаришни эркин талаб қила олмайди. У қўйилмани тўлиқ ёки бир қисмини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлсада, лекин кўпинча бу муддатли мажбуриятларга боғлиқ бўлади. Жамғарма депозитларининг банклар учун устунлиги шундан иборатки, жамғарма қўйилмалари одатда узоқ муддатли хусусиятига эга бўлади, бу эса банк учун узоқ муддатли кредитлашнинг манбаси бўлиб хизмат қилади, банклар учун бу депозитларнинг камчилиги қуйидагилардан иборат:

1. Бу депозитлар бўйича юқори фоизлар тўланади натижада банкларнинг

маржаси камаяди, яъни актив ва пассив кредит операциялари бўйича фоизлар айрилмаси камаяди.

2. Бу қўйилмаларнинг турли хил омилларга таъсирчан эканлиги (сиёсий, иқтисодий, психологик омиллар), бу эса қўйилмалар бирдан банкдан чиқиб кетишини тезлаштириб юбориши мумкин ва банкнинг ликвидлиги йўқолишига сабаб бўлади.

3. Банклар бу қўйилмаларни доимий равишда янгилаб тура олиш қобилиятига эга эмас.

Жамғарма депозитларининг бутун иқтисодиёт учун аҳамияти. Пулларни жамғарма кассаларида сақлаш инвестиция ва иқтисодий ўсишга шароит яратади. Бунда иқтисодиётнинг самарадорлиги, бу маблағлар асосан инвестиция жараёнига жалб этилсагина сақланиши ёки ўсиши мумкин.

Пулларни жамғарма кассаларида сақланиши мулк яратилишини англатади. Ижтимоий бозор иқтисодиёти эса хусусий мулкчиликка асосланади.

Мижоз учун бу депозитнинг аҳамияти шундаки, миждозлар бу депозитларга пулни қўйиш билан кўзда тутилмаган ҳар хил ҳаражатлар учун резерв ташкил этади, пулни йиғади ва капитал ташкил этади.

Талаб қилиб олингунча депозитлари. Талаб қилиб олингунча депозитлари деб шундай депозитларга айтиладики, улар талаб қилиб олингунча счётларига тўлиқ ёки қисман қайтарилишини талаб қилиши мумкин. Талаб қилиб олингунча депозитларини бир неча хусусиятларига кўра қуйидагича ифодалаш мумкин. Талаб қилиб олингунча депозитларини бу қўйилмалар бўлиб, улар банкнинг жалб этилган маблағларига депозитлар бўйича мажбуриятга киради.

- талаб қилиб олингунча депозитлар миждозлар томонидан исталган мақсадларда ташкил этилиши мумкин, фақатгина қонун доирасида. Одатда улар миждознинг тўлов оборотини амалга ошириш учун ташкил этилади;

- миждоз ўз маблағларини қайтарилишини исталган вақтда талаб қилиши мумкин. Шунини айтиб ўтиш лозимки, талаб қилиш чегараси суммада

чекланмаган, фақатгина қўйилма суммаси чегарасида;

- талаб қилиб олингунча депозитларига тўланадиган фоизлар бошқа депозитларникига нисбатан анча паст (масалан, йиллик 0,5%) ёки уларга фоиз умуман тўланмайди. Бунга асосий сабаб, банклар бу қўйилмалардан бошқа депозитларга ўхшаб кредит операцияларида эркин фойдалана олмайди.

Мижозлар учун талаб қилиб олингунча депозитларининг устунлиги ва камчилиги қуйидагилардан иборат:

❖ талаб қилиб олингунча депозитлари, биринчи навбатда, тўлов оборбтини амалга ошириш учун хизмат қилади. Корхоналар пул маблағларини банкда сақлашлари шарт ва ҳамма тўловларни айнан шу счёт орқали амалга оширишлари лозим. Бу счёт талаб қилиб олингунча счётлари ҳисобланади;

❖ кимки нақд пулга эга бўлса, у ўз пулини йўқолишдан, ўғирланишидан ва йўқ қилинишидан (масалан, ёнғин натижасида) сақлаши лозим. Бу пулларни пўлат шкаф ёки сейфлар сотиб олиб сақлаш ёки банк сефини ижарага олиб сақлашдан кўра, уларни банкнинг талаб қилиб олингунча депозитларида сақлаш ҳам бирга мижозлар нақд пулни ортиқча кўтариб юриш ғамидан ҳам қутулишади;

❖ талаб қилиб олингунча депозитларига фоизлар тўланмайди ёки жуда паст фоизлар тўланади;

❖ бу депозитларга ҳам пулларни тўлиқ ёки бўлаклаб қабул қилиниши мумкин;

❖ бу депозитлардан нақд пулларни Марказий банк белгиланган тартибда берилади;

❖ Банклар учун талаб қилиб олингунча депозитларнинг устунлиги ва камчилиги қуйидагилардан иборат:

❖ банклар бу депозитларни сақлашдан бевосита манфаатдор эмаслар, балки улар асосан бу счётларни юритишдан, яъни уларни ҳисобини юритиш, тўловларни бажариш ва ҳоказолардан даромад олишади;

❖ бу счётларни юритиш, уларни ҳисобини олиб бориш тўлов ва бошқа операцияларни бажариш учун банк қўшимча персоналга эҳтиёж сезади ва бу қўшимча персоналга қўшимча ҳаражат қилади;

Депозитларнинг янги тури - ўтувчи депозит сертификатларининг ривожланиши билан банк депозитлари банкнинг қисқа муддатли қарзлари ва пасивларини бошқариш концепцияси янги туртки олди. Банк маблағларини шакллантиришнинг бу манбаси амалда гибрид (аралаш) ҳисобварақа бўлиб ҳисобланади: назарий жиҳатдан бу депозитдир. Бироқ, амалда у қарз тилхатининг кўринишларидан биридир. У ортиқча сармояга эга юқори даромадли йирик компаниялар, хусусий шахслар ва ҳукумат органларидан маблағларни вақтинча олиш мақсадида берилади. Депозит сертификати - бу маълум фоиз ставкаси ёки шартномада белгиланган формула бўйича ҳисобланган фоиз ставкасига эга ва аниқ муддатта фондлар томонидан акцепт банкка қўйилган қўйилмани тасдиқлайдиган фоиз тилхатидир. Қоплаш муддати 1 йилдан ошадиган депозит сертификатлари, одатда, депозитларга ҳар 6 ойда фоизли даромад келтиради.

Депозит сертификатларини сотишда банк ўша банкдаги бир депозитдан бошқа депозитга ўтказади ёки чекли депозитларни депозит сертификатларига айлантиради. Уларни сотиб, банк қарз маблағларига эга бўлади. Улар банк учун қулайдир. Чунки депозит сертификатлари учун расмий захира талаблари мавжуд эмас. Йирик банклардаги чек ҳисобварақалари учун эса 10 фоизли захира талаби мавжуд. Бундан ташқари, депозит сертификатларидан фойдаланганда банкларнинг депозит барқарорлиги ошади. Чунки депозит сертификатлари ҳар хил муддатларга эга ва қоидага кўра улар шу муддат тугагунча муомаладан олинишлари мумкин эмас.

Депозит сертификатидан фарқли равишда муддатсиз депозит исталган вақтда ҳисобварақадан олиниши мумкин. Бироқ йирик миқдордаги ўтувчи депозит сертификатлари фоиз ставкаларининг тебранишларига нисбатан жуда ҳам сезгир бўладилар. Бундан келиб чиқадики, пасивларни бошқаришни бошқа усуллари қатори депозит сертификатларидан доимий

фойдаланувчи банклар соф даромадларининг барқарорлигини олдини олиш учун кўп ишлашлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли омонатлари кўринишидаги миллий иқтисодиёт инвестиция салоҳиятини амалга ошириш мақсадида Ушбу жамғармаларни банк соҳасига жалб этишнинг энг мақбул усуллари ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун энг муҳим – фуқароларнинг банк-молия тизимида, шунингдек, миллий валютага нисбатан ишончини қозонишдир.

1.2.Тижорат банкларида аҳоли жамғармаларини ташкил этишнинг асосий мезонлари

Тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада кучайганлигидандир. Натижада, банкларнинг арзон ва муддати жиҳатидан «узун»⁷ маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ушбу маблағларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Мазкур ҳолат мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларни банклар ўртасида «тақсимлаш»да ва молия бозоридан қўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тижорат банки аҳоли жамғармаларини ташкил этишнинг асосий мезонларига қуйидагилар киради:

- мижозларнинг аҳоли гуруҳларидан депозитлар жалб қилишни кучайтириш;

⁷ Ш.З.Абдуллаева, Т.М.Қоралиев, У.Д.Ортиқов «Банк ресурслари ва уларни бошқариш» - Тошкент, «IQTISOD-MOLIYA», 2009 йил.

- банкнинг депозит сиёсатини алоҳида олинган ҳудудларда фаоллаштириш;

- омонатларнинг аниқ турлари бўйича маблағлар жалб қилишни кучайтириш.

Тижорат банклари ўз фаолияти хусусиятига эга эганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур молия муассасанинг депозит сиёсатини фундаментал асосини ташкил этувчи ресурслар базаси қуйидагилар:

- банк капитали;

- юридик ва жисмоний шасларнинг банкда очилган ҳисоб рақамлардаги маблағлари;

- турли хил шартлар ва муддатларга жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ташкил топган бўлади.

Тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш банклараро кредитлаш туридан яхшироқ ҳисобланади. Сабаби банклараро кредит жуда қиммат ресурслар ҳисобланади. Буларни мувофиқлаштириш ва йўлга қўйиш тижорат банкларининг, депозит сиёсатини асоси ҳисобланади.

Бўш пул маблағларини банд қилиб турганлар - бу аҳоли ва корхона, ташкилотлар ҳисобланади. Бу маблағлар тижорат банкнинг ресурслар базасини ташкил этишининг асосий манбаи ҳисобланади.

Аҳолини депозитларга пул маблағларини жалб қилиш ва уни рағбатлантириш мураккаб ва жуда муҳим муаммоларни ечиш учун, авваламбор, аҳолини банк депозитларига маблағларини қўйишни хохламасликларини сабабини таҳлил қилиш лозим. Умумиқтисодий ҳолатини таҳлили, шунингдек баъзи омонатчилар билан савол-жавоблар қуйидаги натижаларга олиб келди:

– инфляция (инфляция қанчалик юқори бўлса, тижорат банклари депозитларида аҳолининг қўйилмалари шунча кам даражада жалб қилмоқда); нархларнинг ўсиши (аҳоли истеъмол товарларининг нархларини ўсиши,

қўйилмаларни банкдан чиқиб кетишига сабаб бўлади);

– депозит фоиз ставкаларининг пасайиши (қўпчилик банклар депозит фоиз ставкаларини пасайтиришлари натижасида қўйилмалар чиқиб кетади), шунингдек депозит фоизлари инфляция даражасини қопламаслиги;

– ҳужжатлар айланишининг кўплиги (қўйилмаларни расмийлаштириш кўп вақтни талаб этади, ҳужжатлар тушуниш учун қийин бўлган структурага эгалиги);

– биринчи талабдаёқ пулларни олиш имкониятини йўқлиги (одатда пулни олиш муддати 3 банк кунидан ошади);

– пул маблағларини мазкур банкларнинг бошқа бўлимларидан олиш имконияти кўп ҳолларда йўқлиги бу қўйилмаларга ишончсизликни келтириб чиқаради.

Бу муаммоларни ечиш учун банклар депозитлар бўйича фоизларни инфляцияни қоплайдиган даражада бериш лозим. Буни ҳисоблаш учун халқ истеъмоли товарлари нархларининг индекслари ўзгаришини, инфляциянинг расмий кўрсаткичини, пул массасининг айланиш тезлигини ва мазкур йил учун солиқ нормаларини ҳисобга олиш лозим.

Депозитлар муддатларини узайтиришни рағбатлантириш. Бунинг учун депозитларга бир марталик бонус ҳақлари тўланади. Бонус қўйилмаларнинг муддати, даромадлилиги ва узайтириш муддатига боғлиқ равишда ҳисобланади.

Бу мисоллар, кўпроқ, узоқ муддатли ресурсларга эҳтиёжманд банклар қўлланилади. Аҳоли қўйилмаларини 3, 5, 7 йил ва ундан ошиқ муддатга жалб этиш банк депозит сертификатларни муомалага чиқариш орқали амалга оширилади. Бунда депозит сертификатлари белгиланган талабларга жавоб бериши лозим. Шунингдек, депозит фоизларини уларнинг муддати ошиб бориши билан ошириб бориш ҳам узоқ муддатли депозитларни жалб қилишни рағбатлантиради. Лекин бу чора-тадбирларнинг барчаси аҳоли ишончини қозона олмайди, токи банк аҳоли олдидаги барча мажбуриятларни

коплашга кафолат бермаса. Бу кафолатнинг исботи бўлиб, депозитларни ягона суғурта фонди бўлиши лозим. Бу фонд банк мажбуриятларини тўлай олмайдиган ҳолатга сабаб бўлувчи фавқулотда ҳолатлар учун резерв бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир банк ўзининг депозитлари суммаларидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий заҳираларга ажратмалар қилиб бориши лозим. Заҳираларга ажратмалар ҳажми банк активи структурасини, операциялар даромадлилиги, капиталнинг ҳолатини таҳлил қилиб чиққан ҳолда аниқланади. Бу фонд умумбанк, демак умумдавлат аҳамиятига эга. Давлат бундай фонд устидан назорат ўрнатмоғи лозим.

Депозитларни суғурталашни ягона фонди тижорат характериға эга бўлмаслиги лозим, лекин заҳираланаётган суммалар давлатнинг юқори ликвид активларига жойлаштирилиш лозим. Фонд қатнашчилари бўлган банклар депозит счёти ёпилгач, зудлик билан ва шубҳасиз заҳира ажратмаларини қайтариб олоғи ва улар бўйича талаб қилиб олингунча депозитларида бўлганидек фоизлар олишлари лозим. Бу заҳира фондининг рағбатлантирувчи функцияси ҳисобланади. Албатта, фақат бу билан банкларга пул маблағларини оқиб келишини рағбатлантириши мумкин эмас. Бунинг учун пул массаси айланиш тезлигини ошириш, савдода нақд пулсиз ҳисоб-китобларга тўлиқ ўтиш ва бошқа муаммоларни ечиши лозим. Лекин юқорида айтиб ўтган чора-тадбираларимиз энг актуал ҳисобланади ва тез орада ўз ечимини кутиб қолади.

Аҳолининг депозит қўйилмалари нисбатан узоқ муддатли характерға эга бўлади (бошқа банк ресурсларига нисбатан), шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда бу қўйилмалар банк фаолиятининг энг сифатли ресурси бўлиб келмоқда.

Молиявий бозордаги аҳволни таҳлили шундай хулосалар бермоқдаки, аҳолининг бўш пул маблағлари депозитларга жалб этиш нафақат тижорат банклари, балки бутун давлат аҳамиятиға лойиқ ҳисобланади.

Мулкчилик турларини чуқур ўзгариши, тақсимлаш муносабатларини

янги ҳарактерларини пайдо бўлиши, аҳоли жамғармаларини жойлаштириш ва тартибга солишнинг марказлашмаган шакллари пайдо бўлиши Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли жамғармаларини табиатини ўзгаришига олиб келмоқда. Иқтисодий назариядан биз биламизки, жамғарма - бу даромадлар билан истеъмол ўртасидаги фарқдир. Шунини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархларнинг барқарор бўлмаслиги натижасида аҳоли ва юридик шахсларнинг даромадлари паст бўлиб, харажатлар эса ошиб бориши натижасида жамғармалар камайиб бормоқда. Шунинг натижасида уларни банкка кириб келиши камайиб борган. Лекин яқин 2-3 йил ичида нархларнинг нисбатан барқарорлашуви, макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлашуви натижасида аҳоли ва юридик шахсларни молиявий ҳолати яхшиланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банкка оқиб келишига сабаб бўлади.

- ❖ Банклараро кредитлар бозорида кредит рискинни минималлаштириш учун хизмат қилувчи Марказий банкнинг актив иштирокини таъминлаш;

- ❖ Иқтисодиётда, тижорат банклари рискларини оширувчи ва шубҳали кредитларни вужудга келтирувчи нотўғри занжири;

- ❖ Аҳоли қўлларида жамғармаларини ўсиши, яъни пул маблағларини иқтисодиётни реал секторидан чиқиб кетиши, уларни банк қўйилмаларидан ҳам оқиб депозитлар, яъни мижозлар банкка қўяётган пул маблағлари ёки банк операцияларини амалга ошириш жараёнида муайян вақт мобайнида банк ҳисобрақамида турадиган маблағлар тижорат банки томонидан жалб қилинган маблағларнинг асосини ташкил этади.

Банк амалиётида депозитлар ва депозит ҳисобрақамидан фойдаланиш масаласи бўйича турлича ва кўпинча бир-бирига зид нуқтаи-назарлар мавжуд. Депозит деганда, жаҳон банк амалиётида сақлаш учун молия-кредит ёки банк муассасасига берилган пул маблағлари ёхуд қимматли қоғозлар тушунилади. Банкларда «депозит» тушунчаси деганда банк омонатлари билан бир қаторда божхона тўловлари, йиғимлар, солиқлар ва ҳоказоларни

тўлаш учун киритилган бадаллар ҳам тушунилади.

Депозитлар депозит операциялари объектлари бўлмиш жисмоний ва юридик шахслар томонидан муайян муддатга ёки талаб қилинганида бериладиган қилиб банкдаги депозит ҳисобрақамига киритиладиган муайян миқдордаги пул маблағларидир.

Депозит турлича таснифланади:

- омонатчи турига қараб депозитларни жисмоний ва юридик шахслар депозитларига ажратиш қабул қилинган;

- муддатига ва қайтариб олиш тартибига қараб депозитларни талаб қилинганида бериладиган, муддатли ва махсус депозитларга ажратиш қабул қилинган.

Ресурслар негизи банк фаолияти учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Тижорат банклари актив операцияларини ўзларида мавжуд бўлган ҳамда жалб этилган пул маблағлари манбалари доирасидагина амалга ошира оладилар. Айни пассив операциялар актив операцияларни ҳажми ва миқёсини белгилайди. Банк пассивларини шакллантириш ва мақбуллаштириш жараёни тижорат банкларининг ресурс салоҳиятини ташкил этадиган пул маблағларининг барча манбаларини бошқариш сифатини акс эттиради. Банкларнинг барқарор ресурслар негизи унинг актив операциялари барча турларини муваффақиятли равишда ўтказиш имконини беради. Шу сабабли, ҳар бир тижорат банки ўз ресурслари негизларини ошириб боришга интилади.

Тижорат банки қарз маблағларини кенг жалб этмоқдалар. Қарз маблағлари ҳисобига активлар жами миқдорининг 80% дан кўпроғи шаклланади. Банк операцияларидан олинадиган нисбатан юқори бўлмаган фойда арзонгина қарз маблағларидан, шу жумладан, депозитлардан фойдаланиш, пировард натижада акциядорларнинг мақбул даромад олишларини таъминлайдиган миқдорга етиши керак.

Депозит операциялари ҳисобидан шакллантирилаётган маблағларни, ўз навбатида, муддати жиҳатидан барқарор ва нобарқарор ҳамда қиммат

депозит (яъни қисқа муддатга, юқори фоизда жалб қилинган ресурслар) маблағлар гуруҳига ажратиш мумкин.

Депозит маблағларини талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлари арзон маблағлар, лекин муддати жиҳатдан нобарқарор маблағлар ҳисобланади. Банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари эса муддати жиҳатидан барқарор, лекин кредит ресурсларининг қиммат маблағлар манбаларидан ҳисобланади. Тижорат банклари қисқа муддатли кредитлаш институти сифатида барқарор ресурсларга катта эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжни асосий қисми уларнинг муддатли депозитларига жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан қондирилиши банкларга ликвидликни таъминлаш имконини беради.

Банкларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварақларидаги маблағлар нисбатан нобарқарор ресурс ҳисобланади. Банклар ушбу маблағлардан кредит ресурслари сифатида актив операцияларда фойдаланиши уларнинг ликвидлигини таъминлашга сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг молиявий ресурслари нисбатан қиммат манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда ёки уларнинг актив операцияларининг имкониятлари чегараланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозит маблағлари ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш амалиётини ривожлантириш ва уларнинг муддатли ҳамда жамғарма депозит операциялардан манфаатдорлигини янада ошириш мақсадида, ушбу ресурс манбалари бўйича ўрнатилган мажбурий захира ажратмаларига Марказий банк томонидан имтиёзлар жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларида айрим ҳолларда пул ўтказиш юзасидан вужудга келаётган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида, уларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги депозитга жалб этилган маблағларнинг маълум миқдордаги улушини мажбурий сақлаш тартибини бажаришга эришиш лозим. Ушбу талабни энг кам миқдори 30 фоизидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини ишлаб чиқишда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарурий ҳолат ҳисобланади. Ана шундай асосий омиллардан бири тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларини шакллантириш ҳисобланади. Тижорат банклари депозитларига уларнинг бозор фоиз ставкиси даражасида ва ундан сезиларли даражада фарқ қилмайдиган ставкаларда фоизлар тўлаш лозим. Аммо бунинг учун депозитларни тўланган ставкадан юқори ставкада жойлаштириш имкониятига эга бўлиши лозим. Жалб қилинган ресурслар билан жойлаштирилган ресурслар фоиз орасидаги қиймат миқдори мусбат натижаси банк маржаси фойдаси бўлиб ҳисобланади.

Ссуда капиталлари бозорида иқтисодий конъюктуранинг ўзгариши тижорат банкларини фоиз маржасини ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин. Айрим ҳолларда тижорат банклари фоиз маржасини депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш йўли билан қисқартиришга мажбур бўладилар. Тижорат банкларининг депозит сиёсати таъсир қилувчи иккинчи омил Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати ҳисобланади. Мажбурий захира ставкаларининг оширилиши тижорат банкларининг депозитларга фоиз тўлаш имкониятини пасайтиради. Бундан ташқари, мажбурий захира ставкаларининг оширилиши банкларнинг ликвидлигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Германия ва Австрияда мажбурий захира ставкалари депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилган. Депозитнинг суммаси қанчалик катта ва муддати қанчалик қисқа бўлса, унга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкиси шунчалик юқори бўлади.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини шакиллантиришда ҳисобга олинадиган учинчи омил тижорат банкининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигининг ўзгариши ҳисобланади.

Тижорат банки балансининг жорий ликвидлиги даражасини пасайиши банкнинг депозитлари ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш имкониятини пасайтиради.

Банклар балансининг умумий ликвидлигининг ёмонлашуви муддатли ва жамғарма депозитларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтармаслик ҳолатларини юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун, банк балансининг жорий ва умумий ликвидлигини таъминлаш тижорат банклари депозит сиёсатининг самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатига таъсир қилувчи асосий омилларидан бири Марказий банкнинг очик бозор операцияларининг ўзгариши ҳисобланади. Агар Марказий банк очик бозор операцияларида кўпроқ қимматли қоғозларни сотучи бўлиб иштрок этса, бу ҳолат тижорат банкларининг ликвидлигини пасайишига олиб келади. Бу эса, банкларнинг депозит сиёсатига тегишли ўзгаришларни киритилишига сабаб бўлади.

Қарз маблағларини жамлаш имконияти кўп жихатдан қуйидаги ташқи омилларга боғлиқ бўлади:

- ❖ Иқтисодий фаоллик даражаси;
- ❖ Минтақанинг ривожланганлик даражаси;
- ❖ Муқобил қўйилмалар имкониятларига;
- ❖ Инфляция юзасидан қилинадиган тахминлар;

Маълумки, иқтисодиётнинг марказлашган режали тизимида банклар жамиятдаги вақтинча бўш пул маблағларни, молия бозоридан арзон ва молиявий барқарор манбаларни излаб топишга умуман эҳтиёж сезмасди. Чунки ресурслар марказдан махсус режа ва директивалар асосида тақсимланарди. Банклар эса ушбу маблағларни белгиланган кўрсатма ва режа асосида тегишли манзиллар бўйича қайта тақсимлаб чиқарди.

Тижорат банкларининг депозит маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағларнинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлсада, лекин жами депозитлар таркибидаги салмоғи юқорилигича қолмоқда. Тижорат банклари депозит маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлар улушининг юқорилиги уларнинг депозит базасининг заифлиги ва ресурсларни самарали бошқаришда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Буларнинг барчаси амалиётда тижорат

банкларининг мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қатор зиддиятли ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Тижорат банкларининг депозит маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган ресурслар уларнинг актив операциялари бўйича эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмас. Чунки тижорат банкларнинг жами ресурслари таркибида депозит маблағлар жуда паст миқдорни ташкил этади.



3-расм. Тижорат банки депозит сиёсатининг шаклланиш тамойиллари.⁸

Депозит сиёсатини бошқаришда турли принцип хоссаларига таянган ҳолда банк ғазначилик менеджменти қарама-қарши келса-да, мазкур принципларнинг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг мақсади ягоналиги сақланиб боради: яъни, камроқ ҳаражатлар билан кўпроқ даромад олиш.

⁸ Муаллиф томонидан маълумотлар асосида мустақил ишлаб чиқилди.

Аммо, тижорат банкларининг ресурсларини шакллантириш жараёни салбий ҳолатга эга эканлиги қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, тижорат банкларининг депозит маблағлари ҳисобидан кредит ресурсларини шакллантириш амалиёти жуда заиф.

Тижорат банклари қисқа муддатли кредитлаш институти сифатида барқарор ресурсларга катта эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжнинг асосий қисми уларнинг муддатли депозитларига жалб қилинадиган маблағлари ҳисобидан қондирилиши банкларга ликвидликни таъминлаш имконини беради.

Банклар ушбу маблағларни кредит ресурслари сифатида актив операцияларда фойдаланиши мумкин. Лекин, банкнинг ушбу маблағлардан кредит ресурси сифатида фойдаланиши уларнинг ликвидлилигини таъминлашда сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатади. Чунки, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлари мижозлар томонидан қутилмаган пайтда қисман ёки тўлиғича қайтарилиши талаб қилиб қолиниши мумкин. Ёки қарз олувчининг иқтисодий жиҳатдан молиявий нобарқарорлиги туфайли мўлжалланган пайтда кредитга берилган маблағ банкка қайтмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда банк иқтисодий жиҳатдан икки томонлама молиявий зарар кўради. Биринчидан, ликвидлиликини таъминлай олмаслиги натижасида мижознинг талабини қондира олмайди. Иккинчидан, кредит ҳисобига берилган маблағдан ва ундан қутилаётган кредит фоизидан маҳрум бўлади. Демак, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлар банкларни ликвидлилик рискига дучор бўлишига олиб келиши оқибатида уларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган нобарқарор молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, тижорат банкларининг молиявий ресурслари нисбатан қиммат манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда ёки уларнинг актив операцияларининг имкониятлари чегараланган.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, тижорат банкларининг депозит маблағлари таркибида муддатли депозитлар салмоғи асосий ўрин эгаллайди. Маҳаллий банкларнинг бозор муносабатларп шароитидаги фаолияти ва

халқаро банк амалиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида доимий равишда маълум миқдорда бўш пул ресурслари мавжуд бўлиши лозим. Ушбу миқдор, бизнинг назаримизда, жами трансакцион депозитларга нисбатан 30 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Албатта, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари бўйича ўрнатилган ушбу меъёр орқали уларнинг тўловга лаёқатлигини тўлиқ таъминлашнинг имконияти бўлмайди. Ушбу меъёр миллий иқтисодиётда кескин тебранишлар ва иқтисодий инқироз юз бермаган шароитда ўзининг ижобий натижасини беради.

Учинчидан, юридик ва жисмоний шахслар банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитларига маблағларини кўпайишидан манфаатдорлик кўрмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар банкка қўйилган маблағларнинг сақланишига, қайтарилишига ва улардан олинadиган фоизларнинг барқарор бўлишига ишонч ҳосил қилгандагина муддатли ва жамғарма депозитларга маблағларни йўналтиришга мойиллик сезади.

Омонатчиларнинг муддатли жамғармаларга маблағларни қўйишда инфляция даражаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Агар инфляция даражаси сезиларли даражада юқори бўлса, омонатчиларнинг маблағларни банкка йўналтиришда иқтисодий манфаатдорлик камаяди. Натижада, улар банкнинг муддатли депозитларга маблағларни қўйишга хоҳиш сезмайдилар. Чунки, ушбу омонатлардан олаётган, даромад миқдори инфляция таъсирида ўзининг қийматини йўқотади. Тижорат банкларининг депозит маблағлари таркибини таҳлил қилганимизда, унинг таркибида муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғи сезиларсиз салмоққа эга эканлиги маълум бўлди. Бизнинг назаримизда, тижорат банкларида муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғининг пастлигини асосий сабабларидан бири аҳолининг банк тизимида бўлган ишончининг нисбатан пастлигидадир.

Аҳолининг банк тизимида бўлган ишончининг заифлиги банкларга омонатларни жалб этиш жараёнига сезиларли равишда салбий таъсир

кўрсатади ва пул мабалағларини банкдан ташқарида айланишига замин яратади. Мазкур ҳолатнинг амалиётдаги ҳолати таҳлил этилади. Шуниси эътиборлики, кўпчилик мамлакатларда иқтисодий субъектлар ўртасида маълум миқдордаги пул операциялари банк тизимидан ташқарида амалга оширилади. Бу мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Умуман олганда ривожланган мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётнинг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5-10 фоизни, ривожланаётган ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда эса 25 дан 60 фоизни ташкил этади. Қайд этиш лозимки, мамлакатда ялпи ички маҳсулотга нисбатан хуфиёна иқтисодиётнинг улуши 40-50 фоизни ташкил этганда унинг таъсири шу қадар кучаядики, деярли жамиятнинг барча жабҳаларида унинг салбий таъсири кузатилади.

Демак, жамиятда мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, пул мабалағларини банкдан ташқари айланишига бевосита шароит яратади. Бизнинг фикримизча, тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига муддатли омонатларни жалб этишни кўпайтириш ва уларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда қуйидаги асосий омилларни инобатга олиш лозим:

- Мижозларнинг депозит ҳисобварақлари бўйича банк сирини таъминлашга тўлиқ эришиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»⁹ Қонунининг 38-моддасида «Банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради», деб белгилаб қўйилган.

Аммо, айрим ҳолатларда, юридик ва жисмоний шахсларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотлар ана шу мижозларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш қўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилиши лозимлигига қарамасдан,

⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.

банклар юқорида қайд этилган ҳолатлар содир этилмаганда ҳам мижозларнинг ҳисобварақлари ҳақидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқарув органлари раҳбарларининг талабига асосан, ошкор этишга мажбур бўлади. Натижада, мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги аҳолининг ва мижозларининг банкларга бўлган ишончига бевосита салбий таъсир кўрсатади.

❖ Банклар ўзига хос бўлган вазифаларни бажариши зарур.

Маълумки, тижорат банкларининг асосий вазифаси жамият миқёсидаги вақтинча бўш маблағларни жалб этиш орқали, ушбу маблағларни уларга эҳтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектларига тўловлилик, қайтаришлик ва муддатлилик асосида беришидан иборат.

Айрим, ҳатто кўпчилик ҳолатларда, банклар солиқ тўловларини ундириш, мижозларнинг фаолиятини назорат қилиш, статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш каби ишларни амалга оширмоқда. Натижада, банк мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича маълумотларни сир сақлаш билан эмас, балки улар ҳақида тегишли маълумотлар тайёрловчи ташкилотга айланиб қолмоқда. Бу каби ҳолатлар, омонатчилар ва мижозларнинг банкларда пулларни сақлаш ҳамда пул маблағларини жамғариш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур салбий ҳолатларни тугатиш ва банкларнинг банкларга хос бўлган операцияларни бажариши зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора—тадбирлари тўғрисида»ги¹⁰ Қарорида ўзининг ифодасини топган. Жумладан, ушбу Қарорнинг 13-бандида «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тижорат банклари фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига, банклар ва уларнинг филиалларини банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар ва ишларни бажаришга жалб этишга йўл қўймаслик борасида банклар тўғрисидаги

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора—тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин. Қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилсин»- деб қатъий белгилаб қўйилди.

❖ Банклар мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш керак.

Ушбу ҳолат, айниқса, тижорат банкларининг мижозларни ўз вақтида нақд пуллар билан таъминлай олмаслиги, уларнинг ҳисобварақлари бўйича маблағларни исталган пайтда тегишли манзилга ўтказишдаги мавжуд муаммолар ва мижознинг кредит ресурсларига бўлган талабини қондирилмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Мижозларнинг истаган пайтда тўлиқ ёки қисман нақд пулга бўлган талабини қондирилмаслиги уларнинг банкка нақд пул топшириши билан боғлиқ операцияларининг ҳажмига салбий таъсир кўрсатади.

2003 йил февраль ойигача банк тизимида касса режасининг амал қилиши натижасида банклар томонидан ҳар ойнинг учинчи декадасида нақд пулни берилишини тўхтатиб қўйишни тақозо қилар эди. Касса режаси 2003 йил февраль ойидан бошлаб бекор қилинишига қарамасдан, айрим тижорат банклари амалиётида мижозларнинг нақд пулга бўлган талабини қондириш ўзининг ижобий самарасини бермаяпти.


Энди тижорат банклари депозит операцияларининг таҳлилинини чуқурлаштириш мақсадида республикамиздаги айрим тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари таркибида депозит манбаларини таҳлил қиламиз.

Мазкур илмий ишнинг назарий бўлимларидан бири тижорат банки депозит сиёсатининг чегараларини белгилашда айрим тижорат банкларида муддатли ва жамғарма депозитларнинг улуши жами депозитлар таркибида 10 фоиздан ҳам паст даражани ташкил этади. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига, тижорат банкларига ресурсларни жалб этишнинг қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларининг мавжуд эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда;

- тижорат банкларининг депозитли ресурслари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағларнинг улуши юқори, шу билан бирга уларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағларнинг депозит маблағларига нисбати жудаям даражада эканлиги;

- тадқиқот объекти сифатида ўрганилган банкларнинг жами ресурслари таркибида депозит маблағларнинг улуши пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган;

- тижорат банклари депозит маблағларининг ресурслари таркибидаги салмоғини ошириш ва уларнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида депозитларига нисбатан мажбурий захиралар миқдорини пасайтириш лозим.



4-расм. Тижорат банки аҳоли жамғармаларини ташкил этиш чегаралари.¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан маълумотлар асосида мустақил ишлаб чиқилди.

1.3. Биринчи боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг депозит операцияларини оқилона бошқаришга эришиш, уларга молиявий барқарор ресурсларни шакллантириш, банк ликвидлигини таъминлаш ва уларнинг фойдасини оширишга замин яратади. Тижорат банки депозит сиёсатини юритишда йўл қўйилган чегаралаш хусусиятлари. Тижорат банклари депозит сиёсатининг умумий мезонларига қуйидагилар киради:

- банк фаолиятининг барқарорлиги, ишончлигини сақлаб туриш мақсадида унинг депозит, кредит ва бошқа актив операцияларининг ўзаро боғлиқлиги;
- банк рискларини минималлаштириш мақсадида унинг ресурсларини диверсификация қилиш;
- банк депозит портфелини миқдорлар, маҳсулотлар ва бозорлар бўйича сегментлаштириш;
- миқдорларнинг турли гуруҳларига нисбатан табақали ёндошув;
- банк томонидан миқдорларга кўрсатилаётган хизматлар рақобатчи банкларнинг хизматларидан фарқ қилиши лозим;
- барқарор ва нобарқарор ресурсларнинг оқилона нисбатини шакллантириш зарур;
- банк депозит портфелининг шаклланишига таъсир қилувчи ташқи омилларни ҳисобга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида икки поғонали банк тизими жорий этилди. Ушбу тизимнинг биринчи поғонасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва иккинчи поғонасида барча тижорат банклар туради. Тижорат банклари турли соҳаларга мос равишда ташкил этилиб, ҳар бир тижорат банки ўша соҳани такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида маблағлар ажратади. Шу билан бирга, аҳолининг қўлидаги бўш турган пул маблағларини йиғиб иқтисодиётда пул айланиш тезлигини ўсишини таъминлайди.

2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ АҲОЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ

2.1.Республикамиз тижорат банклари депозит операцияларининг амалий ҳолати

Тижорат банклари ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил этади. Ҳар бир тижорат банки фаолиятида жалб қилинган маблағлар муҳим аҳамият касб этади, чунки тижорат банкларининг ўз маблағлари, асосан, банкни ташкил қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ вазифани амалга оширса, жалб қилинган маблағлар эса, банкнинг барқарор даромад олиш имкониятини таъминлаб туради. Шунинг учун ҳам, ҳар бир тижорат банкининг жалб қилинган маблағларини доимий таҳлил қилиб бориш банкнинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Тижорат банкларида пухта ўйланган депозит ва кредит сиёсати бўлишини талаб қилади. Тижорат банкларида депозит ва кредит сиёсатининг тўғри ташкил этилганлиги, улар орасидаги боғлиқлик ва нисбатнинг оптимал танланганлигигина банкларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида икки поғонали банк тизими жорий этилди. Ушбу тизимнинг биринчи поғонасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва иккинчи поғонасида барча тижорат банклар туради. . Тижорат банки депозит сиёсатини юритишда йўл қўйилган чегаралаш хусусиятлари. Тижорат банклари турли соҳаларга мос равишда ташкил этилиб, ҳар бир тижорат банки ўша соҳани такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида маблағлар ажратади. Шу билан бирга, аҳолининг кўлидаги бўш турган пул маблағларини йиғиб иқтисодиётда пул айланиш тезлигини ўсишини таъминлайди.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимида бўлган ишончнинг йилдан-йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб

бориши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб қолмоқда.

Тижорат банкларининг ресурс базасини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар банкларнинг жами депозитлари ҳажмининг йилдан йилга ошиб боришини таъминламоқда. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 30,5 фоиз ўсиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 28,5 трлн. сўмни ташкил этди.

Тижорат банклари ресурсларининг таркибида депозитли манбалар муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг таркибини таҳлил қиламиз.

1 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг таркиби¹²

		01.01.2014		01.01.2015		фарқи	
		млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да
1	Талаб қилиб олингунча депозитлар	6 721 272	63,8	9 507 195	66,7	2 785 923	2,9
2	Жамғарма депозитлар	867 074	8,2	1 316 633	9,2	449 559	1,0
3	Муддатли депозитлар	29 48 958	28,0	3 424 976	24,0	476 018	-3,9
	Жами	10 537 304	100	14 248 804	100	3 711 500	х

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан юқори бўлган. Бу эса, республикаимиз тижорат банклари депозит базасининг заиф эканлигидан далолат беради. Чунки халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий талабга кўра, талаб қилиб олинadиган депозитларнинг тижорат банклари

¹² “Ahbor-Reyting” reyting agentligi. Bank tizimi tahlili, fevral 2015 й.

депозитларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги керак. Лекин шу ўринда эътироф этиш жоизки, банкларнинг жами депозитлари ўтган йилга нисбатан 3 711 500 млн сўмга ошган. Талаб қилиб олингунча депозитлар 2 785 923 млн сўмга ёки 2,9 фоизга ошган. Жамғарма депозитлар эса 449 559 млн сўмга (1,0 фоизга) ошган бўлса, муддатли депозитлар 476018 млн сўмга ошган. Ушбу депозитларнинг улуши жамига нисбатан 3,9 фоизга камайган.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамиз тижорат банклари депозитлари миқдорининг шу жумладан, жисмоний шахслар депозитларининг ўсиш суръатларини кўриб чиқамиз.

2 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитлари миқдорининг ўзгариши.¹³

		01.01.2014		01.01.2015		фарқи	
		Млн.сўм	% да	Млн.сўм	%да	Млн.сўм	%да
1	Юридик шахслар депозитлари	7 661 824	72.71	10 653 023	74.76	2 991 199	2,05
2	Жисмоний шахслар депозитлари	2 875 531	27.29	3 595 780	25.24	720 249	-2,05
	Тижорат банклари жами депозитлари ҳажми	10 537 355	100.00	14 248 803	100.00	3 711 448	х

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасининг барқарорлик даражасини ошишида жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига жалб қилинган депозитлари ҳажмининг юқори ўсиш тенденциясига эга эканлиги муҳим рол ўйнамоқда.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2013-2014 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банкларининг жисмоний ва юридик шахслардан жалб қилинган депозит маблағларининг миқдори юқори ўсиш суръатига эга бўлган. Жами депозит маблағлари 3 711 448 млн сўмга ошган бўлса, унинг 74,76 фоизи юридик шахсларнинг депозитларига, 720 249 млн сўми эса

¹³ “Ahbor-Reyting” reyting agentligi. Bank tizimi tahlili, 2015 й.

жисмоний шахсларнинг депозитлари ҳиссасига тўғри келади. Юридик шахсларнинг депозитлари улуши 2,05 фоизга ошган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки талаб қилиб олинадиган депозитлар миқдорининг юқори суръатларда ўсиши уларнинг сезиларли қисмини муддатли депозит ҳисобрақамларига олиниши учун имкон яратади. Айниқса, жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари бўйича республикамиз тижорат банкларига солиқ имтиёзининг берилганлиги тижорат банкларининг аҳоли омонатларини жалб қилишдан бўлган манфаатдорлигини ошишига хизмат қилмоқда. Ушбу солиқ имтиёзининг қўлланиш тартиби шундайки, Ўзбекистон тижорат банкларининг солиққа тортиш базаси аҳоли муддатли омонатларининг ўсган қисми миқдорида камайтирилади. Энди биз депозитлар таҳлилини бойитиш мақсадида республикамизнинг айрим тижорат банкларининг депозит базасини таҳлил қиламиз.

3 - жадвал

АТБ Ҳамкорбанк депозит базасининг таркиби ва динамикаси¹⁴ (фоиз ҳисобида)

Депозитлар	01.01.10	01.01.11	01.01.12	01.01.13	01.01.14	2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши,
1.Талабқилиб олинадиган депозитлар	85,9	86,7	81,7	82,0	85,3	– 0,6
2.Жамғарма депозитлари	1,0	1,7	0,8	1,2	3,8	2,8
3.Муддатли депозитлар	13,1	11,6	17,5	16,8	10,9	– 2,2

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ҳамкорбанк депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитлар жуда юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, Ҳамкорбанк депозит базасининг жуда заиф эканлигидан далолат беради ва ўз навбатида банкнинг актив операцияларини, биринчи навбатда, кредит операцияларини ривожлантириш имконини бермайди.

¹⁴ АТБ “Ҳамкор банк” йиллик маълумотлари асосида ҳисобланди, 2014 йил. www.hamkorbank.uz

Қуйида АТБ Ҳамкорбанк юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари турларини кўриб ўтамыз.

Ҳамкорбанк банк операцияларининг кенг спектрини амалга оширар экан, депозиторлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарган ҳолда юридик шахсларнинг депозитларини фаол равишда жалб қилмоқда. Шунга мувофиқ банк бўш пул маблағларини банкда қуйидаги асосий ставкалар бўйича жойлаштиришни таклиф этмоқда.

4-жадвал.

АТБ Ҳамкорбанк жисмоний шахслар учун сўмдаги омонатлари тўғрисида маълумот¹⁵

«Талаб килиб олгунга кадар»		
1%	-----	Омонат бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади
		Қўшимча бадал тўлаш имкони бор
«Қулайлик»		
18%	6 ой	Қўшимча бадал тўлаш ва қисман пулни олиш мумкин
		Фоизлар бўйича ҳисоб-китоб омонат муддати тугаганда амалга оширилади
«Келажак авлод»		
16%	6 йил	Омонатлар фақатгина 6 йил муддат билан қўйилади
		Қўшимча бадал тўлаш имкони бор
		Омонат бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади
«Хазина-1»		
20%	4 ой	Омонат учун бадал бир марта ҳисоб рақами очилаётганда тўланади, асосий сумманинг ҳисоб-китоби омонат муддати тугаганда амалга оширилади
		Қўшимча бадал қабул қилинмайди
		Омонат бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади
«Наврўз»		
21%	6 ой.	Қўшимча бадал тўлаш ва қисман пулни олиш мумкин
		Фоизлар бўйича ҳисоб-китоб омонат муддати тугаганда амалга оширилади
«Оила қувончи»		
22%	6 ой.	Омонат бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади
		Қўшимча бадал тўлаш амалга ошмайди ва қисман пул берилмайди
«Файз»		
14%	12 ой.	Қўшимча бадал тўлаш имкони бор
		Фоизлар бўйича ҳисоб-китоб омонат муддати тугаганда амалга оширилади
«Коммуналчи»		
16%	12 ой	Омонат бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади ва коммунал хизматга ҳақ тўлаш учун ўтказилади.
		Қўшимча бадал тўлаш амалга ошмайди ва қисман пул тўланмайди

¹⁵ АТБ «Ҳамкор банк» йиллик маълумотлари асосида ҳисобланди, 2014 йил. www.hamkorbank.uz

Ҳозирда АТБ Ҳамкорбанк 20 га яқин турли хилдаги омонатларни аҳоли учун таклиф этмоқда.

Ҳар бир омонат ўз шартлари ва келишувларига эга. Жумладан, муддати бўйича талаб қилиб олингундан 6 йилгача муддатдаги омонатлар мавжуд шунга мос равишда фоизлари ҳам турличадир. 1 фоиздан тортиб 24 фоизгачани ташкил этади. Айрим омонатлар бўйича қўшимча бадал киритиш имкони мавжуд. Фоиз тўлаш шартлари ҳам ҳар хил. Жумладан, айримлари ҳар ойда фоизлари берилади, айримларида эса муддат тугагандан сўнг олинади.

Хорижий валютада эса қуйидаги омонатларни таклиф этади.

5 - жадвал.

**АТБ Ҳамкорбанк жисмоний шахслар учун хорижий валютадаги
омонатлари тўғрисида маълумот¹⁶**

АҚШ ДОЛЛАРИДА		
«Classic-3»		
6%	3 ой.	Омонат учун бадал бир марта ҳисоб рақами очилаётганда тўланади, асосий сумманинг ҳисоб-китоби омонат муддати тугаганда амалга оширилади
		Омонат учун фоизлар ҳар ойда тўланади
«Money – PLUS_6»		
6%	6 ой.	Қўшимча бадал тўлаш имкони бор
		Омонат учун фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади
ЕВРО ДА		
«STEP»		
2%	6 ой.	Қўшимча бадал тўлаш имкони бор
		Омонат учун фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Ҳамкорбанк ҳозирги кунда асосан АҚШ доллари ва Еврода омонатлар қабул қилмоқда. Валютадаги омонатлар асосан қисқа муддатга жалб этилмоқда. АҚШ долларида очилган омонатлар бўйича йиллик 6 фоиз, евродаги омонатларнинг фоиз ставкаси эса 2 фоизни ташкил этмоқда.

¹⁶ АТБ “Ҳамкор банк” йиллик маълумотлари асосида ҳисобланди, 2014 йил. www.hamkorbank.uz

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз тижорат банклари юридик шахслар учун турли шартлардаги депозитларни таклиф этишмоқда. Буни қуйида кўришимиз мумкин.

6 - жадвал.


Айрим тижорат банкларининг депозитлари тўғрисида маълумот¹⁷

Депозит тури	Муддати	Устама фоизи (йиллик)
Қишлоқ қурилиш банки ОАТБ		
Муддатли депозит	1 ойдан 3 ойгача	5 фоиз миқдорида
	3 ойдан 6 ойгача	6 фоиз миқдорида
	6 ойдан 9 ойгача	7 фоиз миқдорида
	9 ойдан 12 ойгача	8 фоиз миқдорида
ДТ Халқ банки		
Депозит сертификатлари	181 кундан 365 кунгача	7,5 фоиз миқдорида
	366 кундан 730 кунгача	9,5 фоиз миқдорида
	731 кундан 1095 кунгача	10,5 фоиз миқдорида
Номинал қиймати	100 000 000 ва 500 000 000 сўм	
Траст банк ОАТББ		
Муддатли ва жамғарма депозитлари	3 ойдан 6 ойгача	3 фоиз миқдорида
	6 ойдан 12 ойгача	4-5 фоиз миқдорида
	12 ойдан 18 ойгача	6 фоиз миқдорида
	18 ойдан 24 ойгача	7 фоиз миқдорида
	24 ойдан юқори	8 фоиз миқдорида

¹⁷ Марказий банк интернет сайтидаги маълумотлар асосида тузилди. www.cbu.uz

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ҳозирда тижорат банклари юридик шахслар учун асосан депозит сертификатлари ва муддатли депозитларни таклиф этишмоқда.

Уларнинг фоиз ставкаси муддатига қараб ўзгариб боради, яъни узок муддатли депозитлар учун юқори фоиз ставкаларни таклиф этишмоқда.



5-расм. Банклар бўйича жалб қилинган маблағлар улушлари таркиби¹⁸, (01.01.2014 йил ҳолатига фоизда)

Диаграмма маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, жалб қилинган маблағларнинг эн кўп улуши Ўзсаноатқурилиш банкка тўғри келиб, бу кўрсаткич 30.64% ни ташкил қилади. Кейинги юқори кўрсаткич Асака банкига тегишли бўлиб, 20.3% ни ташкил қилади. Халқ банки ва Агро банкларининг жалб қилган депозитлари деярли бир хил бўлиб, тахминан 10% ни ташкил қилади. Қишлоқ қурилиш банки жалб қилинган маблағлари эса 7.5% ни ташкил қилади.

Дастлабки 6 та банкка жами жалб қилинган маблағларнинг 93,34 фоизи тўғри келмоқда. Ушбу банкларнинг барчаси йирик тижорат банклари ҳисобланади ва бозорга бевосита таъсир ўтказа олади. Рақобатни камайишиги олиб келади. Бу борада рақобатни кучайтириш ва бошқа банкларнинг ҳам фаолиятини кенгайтиришга имкон яратиш лозим.

¹⁸ Ahbor-Reyting ” reyting agentligi. Bank tizimi tahlili №30, 26-bet, fevral 2014 й.

Юқорида такидлаб ўтганимиздек, талаб қилиб олингунча депозитларга нисбатан муддатли ва жамғарма депозитлари муқимроқ ресурс ҳисобланади, чунки тижорат банклари ушбу маблағларни муддатларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкалари даражасининг паст. Республикамиз тижорат банкларидаги юридик шахсларнинг хорижий валюталардаги муддатли депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси атиги 2,5 фоизни ташкил қилди. Бу эса, хорижий валюталардаги депозитларнинг халқаро ссуда капиталлари бозоридаги бозор баҳосидан паст.

Бунинг сабаби шундаки, республикамиз тижорат банклари хорижий валюталарда жалб қилинган депозитларни хорижий валюталарда кредитлар беришга ишлатмайди, балки уларни хорижий банкларга бўйича жойлаштиради. LIBOR ставкаси эса, ҳозирги даврда АҚШ долларидаги депозитлар бўйича йиллик 4,0-4,5 фоизни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда:

Биринчидан, республикамиз тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб оилнадиган депозитларнинг салмоғи жуда юқори бўлиб, 58 фоиздан юқоридир, бу эса, тижорат банклари депозит базасининг заиф эканлигидан далолат беради;

Иккинчидан, тижорат банклари томонидан талаб қилиб олинадиган депозитлардан ресурс сифатида фойдаланилаётганлиги уларнинг депозит базасини мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигига салбий таъсир қилмоқда;

Учинчидан, республикамиз тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларининг фоиз ставкалари паст даражадалигича қолмоқда. Бу эса, аҳоли ва корхоналарнинг хорижий валюталардаги маблағларини банкларнинг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига кенг қўламда жалб қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

2.2 Аҳоли жамғармаларини амалдаги ҳолати таҳлили

Банк ҳисобварағи-банк ҳисобварағи шартномасини тузиш орқали банк миждоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва шу ҳисобварағга киритиш, миждознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларини ўтказиш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операциялар бажариши тўғрисидаги фармойишларини бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк билан миждоз ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносибатлардир. Банк ҳисобварағини очиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2002 йил 20 ноябрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари” тўғрисидаги 1080-сонли йўриқномаси асосида ташкил этилади.

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича юзага келадиган муносибатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Миждозлар ҳисобварақлари бўйича операциялар ўтказиш тартиби Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Бу ҳужжатларга амал қилиш уларни қўлловчи барча томонлар учун мажбурийдир.

Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари - ҳисобварақларида юридик ва жисмоний шахсларнинг кундалик мақсадлари учун хоҳлаган вақтда талаб қилиб олишлари мумкин бўлган маблағлари ҳисобланади. Ушбу ҳисоб варағи бўйича миждозлар ўз ҳисоб-китобларини амалга оширадилар ва банк томонидан ҳисобвараққа хизмат кўрсатгани учун ҳақни шартномада белгиланган миқдорда тўлайди.

Жамгарма депозит ҳисобварағи - даврий бадалар асосида муаян мақсадни амалга ошириш учун маълум миқдорда пул суммасини жамлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар номига очилади. Жисмоний шахсларга жамгарма депозит ҳисобварағи очилганда банк жисмоний шахсга банкнинг барча операциялари акс эттириладиган омонат дафтарчасини беради. Ҳисобварақ ёпилган тақдирда омонат дафтарчаси банкга қайтарилади. Юридик шахсларга жамгарма депозит ҳисобварақлари шартнома асосида очилади ва шахсий ҳисоб варақларида юритилади.

Муддатли депозит ҳисобварағи - юридик ва жисмоний шахсларга шартномага қатъий келишилган фоизларни тўлашга доир маблағларни сақлаш учун очилади.

Ссуда ҳисобварақи - банк томонидан миждозларга ссуда берилганда очилади. Ушбу ҳисобварақда берилган ссудалар суммаси акс этирилиб борилади ва қайтарилгандан сўнг ҳисобварақ ёпилади. Ссуда ҳисобварақи кредит комиссияси томонидан кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг кредит бўлими бошлиғи ёки ходими томонидан бухгалтерияга ссуда ҳисобварақини очиш тўғрисидаги фармойишидан сўнггина очилади.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳисобварақларни очиш учун банк ва миждоз ўртасида банк ҳисобварағи шартномаси тузилади. Шартномада шартнома рақами, уни тузиш санаси, мазмуни, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган ҳақ миқдори ва уни тўлаш усули, шартнома муддати, уни бекор қилиш ёки ўзгартириш тартиби, томонларнинг жавобгарлиги ва бошқа қўшимча шартлар кўрсатилади. Шунингдек шартномада банк ва миждознинг манзилгоҳи ҳамда реквизитлари кўрсатилиши лозим.

Депозит ҳисобварақлари мулкчилик шаклидан қатъий назар, жисмоний ва юридик шахсларга очилади. Хусусан, қишлоқ хўжалиғи корхоналари ва савдо ташкилотларининг ўз маблағларини сақлаш ва жорий операцияларни бажариши учун мўлжалланган махсус ҳисобварақлари ҳам шулар жумласидандир.

Миждозлар шахсий ҳисобварағи структураси қуйидаги кўрсаткичлардан таркиб топади:

CCCCC VVV K SSSSSSSS NNN

Бунда,

CCCCC- бош китоб баланс ҳисобварағи

VVV - валюта коди

K - назорат калити

SSSSSSSS- мижознинг БДМАБдаги рўйхат рақами (мижоз хосрақами)

NNN- шу баланс ҳисобварағи бўйича мижознинг шахсий ҳисобварақ тартиб рақами

Бош китоб баланс ҳисобварағи рақами ҳисобварақлар режасига мувофиқ аниқланади, валюта коди “Жахон мамлакатлари ва валюталари таснифлагичи” асосида белгиланади. Назорат калити, хосрақам ва тартиб рақами БДМАБ хизмат кўрсатиш марказида берилади. Ўзбекистон Республикаси банкларида ахборотга компьютерларда ишлов бериш, ҳисоб юритиш ва ҳисобот ишларини соддалаштириш мақсадида шахсий ҳисобварақларга рақамлар ягона қоидалар асосида белгиланади. Асосий шахсий ҳисобварақда унинг тартиб рақами 001 дан 999 гача бўлиши мумкин.

БДМАБда мижознинг мулкчилик шаклига қараб талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ очилади. Яъни қуйидагича бўлади:

20200 - Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20202 - Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20203 - Республика бюджети қарамоғидаги бюджет ташкилатларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20204 – Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилатларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20205 - Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20206 - Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20208 - Хусусий корхоналарнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20210 - Давлат корхоналарининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20212 - Жамоат ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20214 - қўшма корхоналарнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақи.

20218 - Якка тартибдаги тадбиркорларнинг депозит ҳисобварақи.

Мижозларнинг депозит ҳисобварақлардаги маблағлари банк учун маблағларининг манбалари бўлиб ҳисобланади. Улардаги маблағлар банк балансининг пассив қисмида ҳисобга олиб борилади. Мижозларнинг депозитлари бўйича ҳисобварақлари мазмунан пассив ҳисобварақдир. Шунинг учун ҳисобварақнинг сальдоси (қолдиғи) унинг кредит томонида бўлиб, маблағларнинг келиб тушиши ҳам кредитда, маблағларнинг камайиши ҳисобварақнинг дебет томонида акс эттирилади. Мижозларнинг депозит бўйича ҳисобварақларидан тўловлар шу ҳисобварақ қолдиғи чегарасида ўтказилиши лозим.

Банк амалиётида ҳисобварақлардан турли операцияларнинг ўтказилиши доимий жараён бўлиб, тўхтовсиз давом этиб туради. Мижознинг ҳисобварағини юритувчи масъул ижрочи доимо мижознинг ҳисобварағида операцияларнинг ўтказилиши учун пул маблағларининг етарли миқдорда эканлигини назорат қилиб, маблағларнинг камайиши билан боғлиқ бўлган операцияларни ушбу ҳисобварақдаги маблағлар чегарасида ўтказиши лозим.

Юқорида, мижозларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларини очиш, уни рақамлаш ва юритиш тартиби билан таништирдик. Корхонанинг барча асосий операциялари ушбу ҳисобварақлардан ўтказилади. Жамғарма ёки муддатли депозит ҳисобварақлари очиш учун юридик шахслар томонидан банкка алоҳида, жисмоний шахслар томонидан алоҳида белгиланган ҳужжатлар тақдим этилади.

Жисмоний шахслар ҳисоби миллий валюта “сўм”да юритиладиган депозит ҳисобварақлар билан биргаликда чет эл валютасидаги депозит ҳисобварақларини очишлари мумкин. Чет эл валютасидаги депозит

ҳисобварақларини резидент ва норезидент юридик шахслар, резидент ва норезидент жисмоний шахслар ҳамда чет эл инвестицияси билан ишловчи корхоналарга очилади. Чет эл валютасида депозит ҳисобварақларнинг барча турларини, жумладан, талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш мумкин.

Жисмоний шахслар томонидан чет эл валюталарида ҳисобварақлар очиш учун банкка ҳужжатлар тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2002 йил 20 ноябрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари” тўғрисидаги 1080-сонли йўриқномаси асосида амалга оширилади. Ушбу низомга мувофиқ, резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка ариза ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ва унга тенглаштирилган ҳужжатлар) тақдим қилинади. Ҳисобварақ очиш учун ариза жисмоний шахслар томонидан шахсан тақдим этилиши лозим.

Ваколатли банкларда резидент ва норезидент жисмоний шахсларга аризада, кирим касса ордерида ҳамда омонат дафтарчасида омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилмасдан, шунингдек, имзо намунаси расмийлаштирилмай тақдим этувчига тўланадиган омонатлар бўйича чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча ва муддатли депозит ҳисобварақлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 15 мартдаги 673-сонли “Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада миқдорнинг исми-шарифи сўралмайдиган усулда депозитлар бўйича операциялар бажарилишининг тартиби тўғрисида”ги Низомига асосан очилиши мумкин¹⁹.

Омонатчидан бошланғич маблағни қабул қилишдан олдин, назоратчи омонатчини омонат шартлари билан таништириши шарт.

¹⁹ Иловаларда ҳужжатлар намунаси келтирилган.

Омонатчи омонат шартларига рози бўлган тақдирда, банк омонати шартномасини имзолаб, кирим ордери ва сўнгги назоратга хабарномани тўлдиради ва назоратчига тақдим қилади.

Назоратчи кирим ордери ва сўнгги назоратга хабарнома тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, омонатчидан омонатни қабул қилиш учун кирим ордерини кассирга беради.

Кассир омонат суммасини санаб олади ва кирим ордерида кўрсатилган сумма билан солиштиради ҳамда суммалар мос келганда кирим ордерини имзолаб назоратчига қайтаради.

Назоратчи кирим ордери асосида омонат бўйича компьютер дастурига бошланғич қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини киритади.

Назоратчи омонатчига шахсий ҳисобварақ очади ва шахсий ҳисобварақ варақчасига омонатчининг шахсий ҳисобварақ рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ва унинг манзилини ёзади.

Омонатчи шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига ўз имзосини қўяди. Ушбу имзо омонатчининг имзо намунаси бўлиб ҳисобланади.

Назоратчи омонатчининг имзо намунасини омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзо билан солиштириши шарт.

Назоратчи омонат суммаси қўйилганлигини тасдиқловчи банк омонати шартномасини ва омонат дафтарчасини расмийлаштиради.

Банк омонати шартномаси назоратчи томонидан икки нусхада бир хил рақамланади ва унда омонатчига бериладиган омонат дафтарчаси рақами кўрсатилади.

Банк омонати шартномасига омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўз қўли билан ёзилиши ва имзоланиши лозим.

Назоратчи омонат суммаси кирим қилинганлигини тасдиқловчи тасдиқномани компьютер дастурида шакллантириб қоғозга чиқаради.

тасдиқнома ва омонат дафтарчасини имзолаш учун кирим ордери билан бирга кассирга беради.

Бунда қуйидаги бухгалтерия проводкаси келтирилади:

Дебет 10101- Айланма кассадаги нақд пуллар, 10111- Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар

Кредит 20606- Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари

Кассир кирим ордеридаги суммани омонат дафтарчаси ва тасдиқномадаги сумма билан солиштиради ҳамда омонат дафтарчаси ва тасдиқномани имзолаб назоратчига қайтаради.

Назоратчи банк омонати шартномасининг бир нусхасини, омонат дафтарчаси ва тасдиқномани омонатчига беради.

Агар омонатчи вояга етмаган бўлса, шахсий ҳисобварақ варақчасининг «туғилган йили» сатрида омонатчининг туғилган йили, куни ва ойи тўлиқ кўрсатилади. Ушбу маълумотлар сўнгги назоратга хабарномага ҳам ёзилади.

Е.П.Козлова, Е.Н.Николаеваларнинг фикрларига кўра: Бошланғич маблағ омонатчининг вакилидан қабул қилинган ҳолларда, шахсий ҳисобварақ варақчасининг биринчи (бўш) устунида ва кирим ордерида (чап томонида) «омонатни қўйган шахс имзоси» сатри олдида ва сўнгги назоратга хабарномага «омонатни киритди» деб ёзилади ва вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади.²⁰

Бошланғич маблағ омонатчининг вакилидан қабул қилинган ҳолларда, омонатчи омонат кассасига келганда сўнгги назоратга хабарномани тўлдиради ва шахсий ҳисобварақ варақчасига имзосини қўяди.

Назоратчи сўнгги назоратга хабарномадаги омонатчининг имзосини омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги имзо билан солиштиради, санани қўяди ва имзолайди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича Шахсий ҳисобварақ варақчаси ва сўнгги назоратга хабарномага

²⁰ Козлова Е.П., Николаева Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика. 2003. -172 с

назоратчи «Омонатни ота-она рухсати билан бошқариш», «Омонатни фарзандликка олувчилар рухсати билан бошқариш» ёки «Омонатни васий рухсати билан бошқариш» деган ёзувни киритади ва имзолайди. Бунда, Шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига ва сўнгги назоратга хабарномага омонатчи факат ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин имзо қўяди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси сўнгги назоратга хабарномага ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг туғилган йили, ойи ва куни, омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини ёзиб, имзолайди ҳамда Шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига имзо қўяди.

Назоратчи томонидан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийсининг имзоси уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзо билан таққосланади ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга асосан ҳақиқатдан ҳам омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси эканлиги текширилади.

Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилишда омонатчи назоратчига омонат дафтарчасини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиши шарт.

Қўшимча маблағлар қабул қилишда назоратчи картотекадан шахсий ҳисобварақ варақчасидаги омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ҳамда унинг имзосини, омонат қолдиғини омонат дафтарчасидаги ва Кирим ордеридаги маълумотлар билан солиштиради.

Омонат дафтарчаси ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги омонат қолдиғи бўйича фарқ бўлган ҳолларда (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича омонат кирил қилинган суммадаги фарқдан ташқари) бу ҳақда назоратчи омонат бўлинмаси бошлиғига хабар беради. Омонат бўйича навбатдаги операция фарқ сабаблари аниқланиб, бартараф этилгандан кейин амалга оширилади.

Омонатчи ўз омонатини тўлиқ ёки қисман қайтариб олиш учун чиқим ордерини тўлдириб, омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно) ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга назоратчига тақдим қилади.

Назоратчи омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

-шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида омонатчининг шахси ва омонат дафтарчаси унга тегишли эканлигини аниқлайди;

-шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва омонат дафтарчасидаги маълумотларни ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги маълумотлар билан солиштиради;

-чиқим ордери тўғри тўлдирилганлигини текширади ва ундаги имзони шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради;

-шахсий ҳисобварақ варақчасига ва чиқим ордерида операция санаси, берилган сумма, операциядан кейин омонат қолдиғи, ҳисобланган фоизлар суммаси ва операциядан кейин фоизлар қолдиғини киритади ва имзолайди;

-омонат дафтарчасига операция бўйича амалга оширилган санани кўрсатади, берилган суммани рақам билан, омонат қолдиғини рақам ва сўз билан ёзади;

-омонат дафтарчаси, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва чиқим ордерини кассирга беради.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат — Ўзбекистон фуқаросининг миллий паспорти, 16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно), хорижий фуқароларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси,

фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Кассир омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

-назоратчидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича бериладиган суммани тайёрлайди;

-чиқим ордерининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва омонат дафтарчасига киритилган операция бўйича ёзувлар тўғрилигини текширади ва уларни имзолайди;

-омонатчини таклиф этади ва пул, омонат дафтарчаси (омонат қисман олинганда) ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни қайтариб беради.

Омонат суммаси шахсий ҳисобвараққа нақд пулсиз келиб тушганда ва омонатчи омонатни тўлиқ оладиган бўлса, омонатчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотларини Чиқим ордерининг орқа томонига ёзади ва имзолайди.

Назоратчи зарур ҳолларда омонат суммасини олувчидан чиқим ордерининг орқа томонига такроран имзо қўйишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Банк кассасидан нақд пул кўринишида омонат қайтарилса қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади:

Дебет 20606- Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари

Кредит 10101- Айланма кассадаги нақд пуллар, 10111- Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар

Омонат кассаларида омонатчиларнинг омонатларини ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадида «Аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағларини берилишида омонатчиларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари» юритилади.

Омонатчи омонатини ишончли вакили орқали тасарруф этиши мумкин. Бунда омонатчи вакилига белгиланган тартибда ишончнома расмийлаштириши шарт.

Ф.Т.Абдувахидовнинг фикрига кўра: Ишончнома уч йил муддатгача берилади. Агар ишончномада амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ишончнома берилган кундан бошлаб бир йил давомида ўз кучини сақлайди.²¹

Ишончнома бўйича омонатни беришда назоратчи ишончнома тўғри расмийлаштирилганлигини, амал қилиш муддати тугамаганлигини ва омонатчининг ишончномадаги имзосини шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради.

Назоратчи ишончли вакилдан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини талаб этади ва чиқим ордеридаги имзо намунасини тақдим этилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги имзоси билан солиштиради.

Ишончли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари Чиқим ордерининг орқа томонига ва сўнгги назоратга хабарномага ёзилади.

Омонат кассасига ишончнома асл нусхаси тақдим этилади ва назоратчи томонидан ишончномадан икки (ишончнома бир марталик омонат операцияси бўйича берилганда бир нусха) нусха олинади. Ишончноманинг биринчи нусхаси (ишончнома бир марталик омонат операцияси бўйича берилганда асл нусхаси) кунлик ҳисобот таркибида сўнгги назорат учун омонат бўлинмасига берилади ва картотекада сақланади. Ишончноманинг иккинчи нусхаси ишончнома берган омонатчининг шахсий ҳисобварақ варақчасига тикилади ва омонат кассасида қолади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати тугагач (ишончнома бекор қилинган), омонат кассасида сақланаётган ишончноманинг нусхаси картотекадан олиниб, белгиланган тартибда архивга топшириш учун омонат бўлинмасига берилади.

Омонатчи ишончномани исталган вақтда бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ишончнома бекор бўлганлиги ҳақида омонатчи (унинг ҳуқуқий ворислари) омонатдан фойдаланиш учун ишончнома берилган омонат бўйича шахсий

²¹ Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Ўқув қўлланма. 2006, 160 бет

ҳисобварақ очилган банк ёки унинг филиалига ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Ишончнома бекор бўлган ва бу ҳақда омонатчи (унинг ҳуқуқий ворислари) томонидан ўз вақтида банкка ёки унинг филиалига ёзма равишда хабар берилмаган ҳолларда, ишончнома бўйича берилган омонат учун банк жавобгар ҳисобланмайди.

Омонатчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатни олиш учун омонат кассасига омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ариза тақдим этади ҳамда аризага банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери рухсат имзоларини қўйгандан сўнг, «29842 — Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағидан маблағлар берилади.

Омонатчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатнинг бир қисmini олганда, белгиланган тартибда янги шахсий ҳисобварақ очилади ва ҳаракатсиз омонат қолдиғи барча тегишли фоизлари билан янги очилган шахсий ҳисобвараққа ўтказилади ва омонатнинг бир қисми янги шахсий ҳисобварақдан берилади.

Назоратчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатни янги шахсий ҳисобвараққа ўтказиш учун тузилган нақд пулсиз чиқим ордерининг орқасига омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини ёзиб, уларни имзоси билан тасдиқлайди ва омонатчига нақд пулсиз чиқим ордерига имзо қўйдиради ҳамда янги омонат дафтарчасини расмийлаштиради.

Ўн олти ёшга тўлмаган омонатчининг шахсини тасдиқлаш учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага қўшимча равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ушбу вояга етмаган шахснинг расми елимлаб ёпиштирилган маълумотнома талаб этилади. Ушбу маълумотномадаги расм ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати муҳри билан тасдиқланади.

Омонат меросхўрга омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилинганда берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида омонатдаги пул суммаси номига ўтган шахс томонидан вафот этган омонатчининг омонат дафтарчаси тақдим қилинмаганда, омонат бўлинмаси сўнгги назоратчи маълумотлари бўйича омонатчининг омонат маблағлари қолдиқлари текширилгандан сўнг, омонат берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида меросхўрларга омонатнинг тегишли қисми берилганда, омонатчининг шахсий ҳисобварақ варақчасида омонатнинг тегишли қисмини олган шахс маълумотлари ёзиб қўйилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида омонат берилаётганда назоратчи меросхўрнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини гувоҳнома билан солиштиради ҳамда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини олиб қолади.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ вафот этган омонатчининг қонун бўйича ҳам васиятнома бўйича ҳам, меросхўрлари бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос омонати эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос омонати мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтгандан сўнг суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади.

Эгасиз омонат у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган омонатдан воз кечган тақдирда, давлат фойдасига ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг жамғармалари ривожланган давлатларда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жамғармаларини кўпайтиришда, уларни расмийлаштириш ва ҳисобга олишда ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ижобий ҳолатга олиб келади.

2.3. Иккинчи боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда:

Биринчидан, республикамиз тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб оилнадиган депозитларнинг салмоғи жуда юқори бўлиб, 58 фоиздан юқоридир, бу эса, тижорат банклари депозит базасининг заиф эканлигидан далолат беради;

Иккинчидан, тижорат банклари томонидан талаб қилиб оилнадиган депозитлардан ресурс сифатида фойдаланилаётганлиги уларнинг депозит базасини мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигига салбий таъсир қилмоқда;

Учинчидан, республикамиз тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларининг фоиз ставкалари паст даражадалигича қолмоқда. Бу эса, аҳоли ва корхоналарнинг хорижий валюталардаги маблағларини банкларнинг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига кенг кўламда жалб қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

Тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг жамғармалари ривожланган давлатларда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жамғармаларини кўпайтиришда, уларни расмийлаштириш ва ҳисобга олишда ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ижобий ҳолатга олиб келади.

3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЖАМҒАРМА ИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1.Тижорат банклари депозит сиёсати ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ечимлари

Депозит сиёсатини юритиш элементларининг асоси бўлган банк сиёсати ресурсларни жалб қилишга асосланган тарзда, банкнинг актив ва пасивларини кўп қиррали нархланишни рационал тақсимлашни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Мазкур мақсадларга эришиш учун қуйидаги ечимларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- ❖ банкнинг депозит операцияларини амалга оширишнинг устувор йўналиши даромад олиш шарт-шароитларини яратиш;
- ❖ банкнинг ликвидлилик даражасини меъёрда сақлаш;
- ❖ депозит турларини ва турли хил шакллари сингдириш, ва улар орасида диверсификация инструментларини қўллаш;
- ❖ депозит операциялар орасида мутаносибликни олиб бориш, яъни ажратилаётган ссуда кўринишидаги кредитлар, депозитлар ва кредит кўйилмалари орасидаги даврий узилишни бошқариш;
- ❖ банкнинг депозит ҳисоб рақамларида бўш пул маблағларини камайтириш;
- ❖ тўғри белгиланган фоиз сиёсатини олиб бориш;
- ❖ доимий равишда жалб қилинган ресурслар бўйича шаклланаётган фоизли ҳаражатлар миқдорини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ❖ мижозларга хизмат кўрсатишда банк хизматларини ривожлантириш эвазига банк ходимлари орасида сифат ва маданиятни ривожлантириш.

Банкнинг турли хил депозит шакллари таҳлил қилишда бир маромда ривожланиб бораётган депозит тури талаб қилиб олингунча шарти асосида бўлиб, у фоиз ставкасининг меъёрига боғлиқлиги бўлмаслиги сабабли, фақатгина хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигига боғлиқ бўлади.

Кўпгина банкларнинг амалиётларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики банкнинг депозит базасини шакллантириш жараёни қийин ва катта меҳнат салоҳиятини талаб қилади. Чунки, мазкур депозит сиёсатини шакллантириш даврида ўзига хос бўлган турли хил субъектив тўсиқларга банк ходимлари дуч келади.

Банк томонидан депозитлар бўйича тўланадиган фоизлар банкнинг асосий операцион харажатлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банк бир томондан жалб қилинган депозитлар бўйича белгиланган фоиз ставкаси юқори даражада бўлганлигини қўллаб қувватламасада, бошқа бир томондан мижозларни жалб қилиш учун шу тарзда йўл тутишига тўғри келади. Одатда тижорат банклари катта миқдордаги маблағларни узоқ муддатга жалб қилиш учун юқори даражадаги фоиз ставкаларни белгилашларига тўғри келади.

Кўпгина давлатларнинг Марказий банклари томонидан тижорат банкларининг ликвидлик даражасини ёки ресурслар етарлилик меъёрини мажбурий норматив орқали бошқариб боради. Мазкур норматив аҳоли пул қўйилмаларининг умумий миқдори нисбатини ўз маблағлари (капитали) фоиз нисбатида олиниб, унинг максимал белгиланганлик даражаси 100% дан кўп бўлмаслиги керак.

Тижорат банкининг фоиз сиёсатини олиб боришда барча ресурсларнинг қиймати ва депозит операцияларининг таҳлили олиб борилиши шарт. Бунинг учун қуйидагиларни белгилаб олиш лозим.

- омонатлар бўйича фоизларни белгилаш;
- жалб қилинган ресурслар бўйича фоиз ставкасининг динамикасини ўрганиб бориш;
- инфляция шароитида ресурсларнинг реал қийматини ҳисобини олиб бориш;

Банк амалиётида депозит сиёсати инструментларини фойдаланиладиган йўналиш бошқармалари мавжуд:

- ❖ Кредит бошқармаси;
- ❖ Амалиёт бошқармаси ва албатта ғазначилик бошқармаси қатнашади.

Жаҳон амалиётида банкларнинг фақат рационал тарзда ресурсларни тақсимлаб олаётган молия муассасагина ўзининг ликвидлилик даражасини сақлаб қолиши мумкин. Молиявий инқироз даврида банклар аҳолидан бўш пул маблағларини юқори фоиз ставкалар эвазига жалб қилган ҳолда кенг тарзда кредит сиёсатининг депозит сиёсатини олиб боради, аммо кўпгина банкларнинг мижозларга ажратилган кредит маблағларининг ўз вақтида қайтмаслиги сабабли капиталлашув даражасини камайишига, акс ҳолда банкротлик даражасига олиб келиши мумкин бўлади. Мазкур ҳолатларни олдини олиш учун мамлакатимиз миқёсида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат банкларининг капиталлашув даражасини оширишга ҳаракат қилиб келинмоқда. Бинобарин, айти шу усулларни қўллашда давлат банкларининг депозит сиёсатларини қайта қўриб чиқиш зарурияти долзарб масала сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги давр молия ва иқтисодий таҳлил мутахассислари молиявий инқироз даврида қуйидаги фикрларни илгари суришади: барча тижорат банклари молиявий воситачи сифатида омонатчилар ва кредиторлардан даврлар мобайнида жуда катта миқдорда маблағларни жалб этади. Банк капитали жалб қилинган маблағларни қайтариш билан боғлиқ бўлган хатарлар бўйича омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатига бевосита боғлиқ бўлмаслиги зарур. Яъни, омонатчилар ва кредиторларнинг банк капиталига нисбатан ҳеч қандай қонуний ёки билвосита даъволари мавжуд бўлмаслиги зарурдир. Тижорат банклари устав капиталининг бошланғич миқдори шакллантирилгандан сўнг, унинг миқдорини кўпайтириш банк акциядорларининг қарори ва банкнинг фаолиятини самарали ишлашига бевосита боғлиқ бўлади. Одатда, тижорат банклари устав капиталининг миқдорини ошириш асосан, иккита йўл билан амалга оширади. Банкнинг молиявий ҳисобот якунида шакллантирилган фойдасидан ажратмалар ҳисобидан ва қўшимча равишда банкнинг оддий акцияларини чиқариш йўли, фикримизча, даромадларини таҳлил қилишда чораклик даврий оралиқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда тижорат банки даромадлари ва

харажатларини ўсиб боровчи якун тарзида акс эттирилши билан изохланади. Тижорат банклари фойдасидан ажратмалар ҳисобига ташкил этиладиган захира фонди банкнинг молия бозоридаги қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган. Депозит сиёсатининг асосий ҳимоячиси бўлган захира фондининг минимал миқдори тижорат банкларининг устав капиталига нисбатан ўрнатилади.

Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, Марказий банкдан олинган кредитлар ва банкка жалб қилинадиган маблағлар қиймати жиҳатидан арзон, лекин муддати жиҳатидан нобарқарор молиявий ресурслар ҳисобланади.

Қиммат маблағлар гуруҳига тижорат банкларининг регулятив капитали таркибидаги устав капитали, муддатли депозитлар, жамғарма ва депозит сертификатлар, банклараро кредитлар ва бошқа маблағларни киритиш мумкин. Ушбу маблағлар тижорат банклари учун қиймати жиҳатидан қиммат маблағлар бўлса-да, улар муддати жиҳатидан нисбатан молиявий барқарор ҳисобланади. Халқаро банк тажрибалари ва амалиётдаги мавжуд ҳолатларнинг натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари депозит сиёсати маҳсулоти бўлмиш депозит портфели ликвидлигини таъминлашда молиявий барқарор маблағларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, уларда молиявий инқироз даврида ликвидлиликни таъминлаш юзасидан муаммолар шунчалик кам бўлади. Молиявий инқирознинг жалб қилинган маблағлар таркибида таҳлил этилган даврнинг бошида кредитлар асосий салмоққа эга бўлган, таҳлил этилаётган даврнинг сўнгига келиб, ушбу манбанинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. Кредитлар таркибида банклараро кредитларнинг улуши бошқа турдаги кредитларга нисбатан юқори салмоққа эга эканлиги республикамиз банклари ўртасида ресурсларни ўзаро алмашиш жараёни фаол даражада амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Жалб қилинган маблағлар таркибидаги кредитларни нисбатан қимматли ва молиявий барқарорлигини эътиборга оладиган бўлсак, уларни маблағлар

таркибидаги улушининг пасайиш тенденциясига эга эканлигини салбий ҳолат натижаларини кўришимиз мумкин бўлади. Тижорат банклари жалб қилинган маблағлар таркибида кейинги манба жами капитал ҳисобланади. Жами капитал таркибидаги устав капитали қиймати ва муддати жиҳатидан эса барқарор манба ҳисобланади.

Республикамиз банкларида жалб қилинган маблағларга тўланадиган фоиз ставкалари берилган кредитларнинг фоиз ставкаларига нисбатан юқорилиги қуйидагилар билан изоҳланади.

1. Юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари таркибида қиймати жиҳатидан арзон, лекин муддати нуқтаи назардан нобарқарор маблағларнинг салмоғи юқори улушни ташкил этади. Шу боис ҳам банклар жалб қилинган маблағларга берилган кредитларга нисбатан юқори даражада фоиз ўрнатган бўлишига қарамасдан, иқтисодий жиҳатдан зарар кўрмайди.

2. Турли хил муддатларга ва шартлар асосида жалб қилинган муддатли депозитларнинг таркибида асосан жисмоний шахсларнинг омонатлари юқори салмоқни ташкил этиб, тижорат банклари аҳолидан жалб қилаётган маблағларни, асосан, нақд пулларнинг ҳажмини кўпайтириш мақсадида, уларга тўланадиган фоиз ставкаларининг миқдори юқори даражани ташкил этган. Бу ерда Марказий банк аҳолидан жалб қилинган маблағларга нисбатан мажбурий захира талабини жорий этмаганлиги туфайли банклар ушбу маблағларни тўлалигича актив операцияларга жалб қилиш имкониятини беради.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги амалий таклифларни келтириб ўтиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фоиз маржасини муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари даражасини ошириш йўли билан қисқартириш лозим.

Бунинг натижасида, тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида муддатли депозитларнинг салмоғи ҳамда муддатли депозитларнинг

миқдори сезиларли даражада ошади. Бунинг сабаби шундаки, аҳоли ва корхоналар учун муддатли депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини оширувчи асосий омиллардан бири муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларининг даражаси ҳисобланади. Лекин фикримизча, фоиз маржасини ана шу йўл билан қисқартириш Марказий банкнинг муддатли депозитларга нисбатан белгилаган мажбурий захира ставкаси кескин пасайтирилиши, натижада талаб қилиб олинадиган депозитларга нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаси билан муддатли депозитларнинг мажбурий захира ставкаси ўртасида сезиларли фарқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жамғарма депозитлари миқдорини ошириш йўли билан уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

- биринчидан, юридик шахсларнинг жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг ижобий даражасини таъминлаш лозим;

- иккинчидан, аҳолининг жамғарма депозитларини тижорат банклари томонидан нақд пулда тўлиқ ва ўз вақтида берилишини таъминлаш лозим.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган таклифда, иқтисодий нобарқарорлик, инфляция, юқори миқдордаги ресурслар танқислиги банк тизимидаги депозит сиёсатини ва у билан боғлиқ бошқа муносабатларни қайта кўриб чиқиш имконини беради. Шунинг билан бир қаторда, мамлакат банк тизимида тижорат банкларининг иқтисодий мустаҳкамлиги ҳал қилувчи муҳим элементлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, банк олиб бораётган депозит сиёсатида банк пасивлари бўлмиш мажбуриятлари банк амалиётида бирламчи ўрин тутди. Албатта, барча банк инструментларининг афзалликлари ва ўзига хос камчиликлари мавжуд бўлади.

Республикамиз тижорат банкларида депозитлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун эса, биринчидан, миқдорларга депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини ошириш имкониятини берадиган маркетингни ривожлантириш лозим;

иккинчидан, депозитларнинг барқарорлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши лозим; учинчидан, банк учун депозит базасининг асосини ташкил қилувчи миқдорлар гуруҳини аниқлаб олиш ва уларга комплекс депозит-ссуда хизматини таклиф қилиш лозим.

3.2.Тижорат банклари аҳоли омонатларини жалб қилиш ва расмийлаштиришдаги мавжуд муаммолар ечимлари

Тижорат банкларида депозит фаолиятини ривожланатириш борасида ўтган йиллар мобайнида бир қатор амалий ишлар амалга оширилди, уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги мазкур қарорнинг эълон қилиниши билан тижорат банклари аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолиятларини жадаллаштирдилар, банк хизматлари тўғрисида аҳолининг хабардорлилик даражаси ошди, ҳамда кўплаб янги жозибадор омонат турлари жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Раҳбарининг 2008 йил 11 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ФП-4057 сонли Фармонида мувофиқ омонатларнинг миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда 100 фоиз тўлов асосида қоплаб берилиши кафолатланди.

Хукуматимиз томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларнинг узлуксиз давомийлиги сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик

субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1090 Қарори қабул қилинди.²²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 1438-сонли Қарори қабул қилинди. Унинг асосий Республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини баҳолаш ёндашуви ва тизимларини тубдан ўзгартириш, банк фаолиятини ташкил этилишини умум қабул қилинган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлаш ҳисобланади. Унда тижорат банклари депозит операцияларини кенгайтиришга алоҳида урғу берилган, жумладан:

- ❖ 2011-2015 йилларда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини 2,5 мартага ошириш.

- ❖ аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, шу жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилиш.

- ❖ кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламини ахборот-алоқа технологияларни кенг қўллаш билан кенгайтириш бўйича чора – тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан 2015 йилгача республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернет-банкнинг бўйича хизматлар кўрсатилишини таъминлаш.

- ❖ 2011-2015 йилларда банк пластик карточкаларини муомалага чиқариш ҳажмини 1,5 мартага ошириш орқали банк пластик карточкаларидан

²² «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1090 Қарори

фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш.

❖ маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда пластик карточкаларни йилига 500 минг донадан кам бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни таъминлаш.

❖ банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлаб чиқаришни таъминлаш.

❖ банклар бўлинмалари ва филиалларидан банклар бош офисининг қайта ишлаш марказлари, Ягона умумреспублика процессинг маркази ва ҳисоб-китоб банкигача маълумотларни етиб келишида уларни қайта ишлаш оралиқ бўғинларини қисқартириш ҳисобига, тўловлар ўтказиш жараёнларини тезлаштириш.

❖ банк ички аудит хизмати ходимларига нисбатан банкнинг пул муомаласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимларида камида 3 йил иш стажига эга бўлиш талабини ўрнатиш;

❖ жамғариб бориладиган нафақа тизимининг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларининг юқори ликвидли молиявий инструментларига (депозит, облигация) ва республикадаги молиявий барқарор йирик корхоналарининг ресурс базаларини кенгайтиришни таъминлашга йўналтириш ҳамда жамғариб бориладиган нафақа тизимининг жойлаштириладиган маблағлари портфелини диверсификациялаш.

❖ аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини банклардаги депозитларга жойлаштириш бўйича имтиёзлар ва қулай шарт-шароитлар;

❖ фуқароларнинг депозитлари бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда, шу жумладан банкларнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолатларида ҳам қоплашни кафолатлаш;

❖ банк ва кредит уюшмаларидаги омонатлар ҳамда банк акцияларидан олинган даромад ва дивидендларни солиқдан озод қилиш бўйича имтиёзлар;

❖ банкларнинг қарз қимматли қоғозлари эгаларига тақдим этилган имтиёзлар;

❖ омонатчининг биринчи талабига кўра депозит суммаларини, шу жумладан хорижий валютадаги маблағларни нақд пулларда тўлаш бўйича банкларнинг мажбурияти.

2013 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, банк тизимини ва алоҳида банкларни юқори халқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишини таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада кенгайтириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган кредитлар ҳажмларини

кўпайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Жумладан, тижорат банклари ресурс базасини янада ошириш ва диверсификациялаш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари давом эттирилади.

- кўшимча акцияларни чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш орқали банкларнинг жами капиталини йил мобайнида камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш;

- банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектори улушини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш;

- депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш каби тадбирларни амалга ошириш ҳисобига аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини камида 30 фоизга ошириш;

- тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ва пул бозорида жойлаштириш;

- банк инфратузилмалари, хусусан, мини-банклар ва махсус кассалар тармоғини кенгайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш;

- ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали банк хизматларининг сифатини янада юксалтириш ва кўламини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернет-банкнинг бўйича хизматлар кўрсатилиши борасидаги 2013 йилга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

- банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш;

- банклардан ташқарида жойлашган ва хавфсизлиги таъминланган идора ва ташкилотлар, йирик супермаркет биноларида банк инфокиосклари тармоғини кенгайтириш каби тадбирлар амалга оширилади.

Банкларда омонатлар ҳажмининг муттасил ўсишини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг маблағларини банклардаги депозитларга жойлаштириш бўйича шакллантирилган кафолатлар тизими, яратилган имтиёзлар ва қулай шарт-шароитларни кенг тарғиб қилиш ишлари давом эттирилади.

Шунингдек, ҳудудларда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш мақсадида доимий равишда амалий семинарлар ўтказиш, уларни банк хизматлари билан таништириш, банк мижозларининг ҳуқуқий маданияти ва молиявий саводхонлигини ошириш, шунингдек тақдим этилаётган хизматлар сифатини ва келиб чиқаётган мавжуд муаммоларни баҳолаш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида сўровлар ўтказиш ишлари давом эттирилади.

3.2. Учинчи боб бўйича хулоса

Мамлакатимиз банк тизимида тижорат банкларининг иқтисодий мустаҳкамлиги ҳал қилувчи муҳим элементлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, банк олиб бораётган депозит сиёсатида банк пасивлари бўлмиш мажбуриятлари банк амалиётида бирламчи ўринни тутади. Албатта, барча банк инструментларининг афзалликлари ва узига хос камчиликлари мавжуд бўлади.

Республикаимиз тижорат банкларида депозитлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун эса, биринчидан, мижозларга депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини ошириш имкониятини берадиган маркетингни ривожлантириш лозим; иккинчидан, депозитларнинг барқарорлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши лозим; учинчидан, банк учун депозит

базасининг асосини ташкил қилувчи мижозлар гуруҳини аниқлаб олиш ва уларга комплекс депозит-ссуда хизматини таклиф қилиш лозим.

Банкларда омонатлар ҳажмининг муттасил ўсишини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг маблағларини банклардаги депозитларга жойлаштириш бўйича шакллантирилган кафолатлар тизими, яратилган имтиёзлар ва қулай шарт-шароитларни кенг тарғиб қилиш ишлари давом эттирилади.

Шунингдек, ҳудудларда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш мақсадида доимий равишда амалий семинарлар ўтказиш, уларни банк хизматлари билан таништириш, банк мижозларининг ҳуқуқий маданияти ва молиявий саводхонлигини ошириш, шунингдек тақдим этилаётган хизматлар сифатини ва келиб чиқаётган мавжуд муаммоларни баҳолаш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида сўровлар ўтказиш ишлари давом эттирилади.

ХУЛОСА

Тижорат банклари ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил этади. Ҳар бир тижорат банки фаолиятида жалб қилинган маблағлар муҳим аҳамият касб этади, чунки тижорат банкларининг ўз маблағлари асосан банкни ташкил қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ вазифани амалга оширса, жалб қилинган маблағлар эса, банкнинг барқарор даромад олиш имкониятини таъминлаб туради. Шу боисдан ҳам, банк тизимининг асосий хусусиятларидан бири, яъни ўз маблағлари ҳисобига ўзининг фаолиятини амалга ошириб келадилар.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, депозит сиёсатининг умумий ва хусусий мезонларини аниқлаб олишни тақозо қилади. Бунда асосий эътибор умумий мезонларни белгилаб олишга қаратилади.

Тижорат банклари депозит сиёсатининг умумий мезонларига қуйидагилар қиради:

- банк фаолиятининг барқарорлиги, ишончлилигини сақлаб туриш мақсадида унинг депозит, кредит ва бошқа актив операцияларининг узаро боғлиқлиги;
- банк рискларини минималлаштириш мақсадида унинг ресурсларини диверсификация қилиш;
- банк депозит портфелини миқдорлар, маҳсулотлар ва бозорлар бўйича сегментлаштириш;
- миқдорларнинг турли гуруҳларига нисбатан табақали ёндошув;
- банк томонидан миқдорларга курсатилаётган хизматлар рақобатчи банкларнинг хизматларидан фарқ қилиш лозим;
- барқарор ва нобарқарор ресурсларнинг оқилона нисбатини шакллантириш зарур;
- банк депозит портфелининг шаклланишига таъсир қилувчи ташқи омилларни ҳисобга олиш лозим.

Тижорат банки депозит сиёсатининг хусусий мезонларига куйидагилар киради:

- мижозларнинг алохида гурухидан депозитлар жалб килишни кучайтириш;
- банкнинг депозит сиёсатини алохида олинган худудларда фаоллаштириш;
- омонатларнинг аник турлари буйича маблағлар жалб килишни кучайтириш.

Тижорат банкларининг активларини тўғри ташкил қила билиш ҳам банк ресурсларининг сифатини анча мақбуллаштириш имконини беради. Чунки, банк ресурслари юқори даромад келтирувчи активларга жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда жалб қилинаётган ресурсларни юқорироқ фоиз ставкада жалб қилиш имкони туғилади. Агар бу ресурслар узоқ муддатли инвестицияларга йўналтириладиган бўлса, у ҳолда банк узоқ муддатга ресурслар жалб қилиш учун ўзининг депозит сиёсатини шу асосда ишлаб чиқишга уринади.

2015 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, агар ҳар бир шахс банкка қўйган маблағларининг бут сақланишига, ўз вақтида қайтирилишига ва уларга тўланадиган фоизларнинг барқарор бўлишига, банкдаги пул маблағлари билан боғлиқ ҳар қандай маълумотлар сир сақланишига қанчалик ишонч ҳосил қилса, ўзининг вақтинчалик бўш пулларини банкда сақлашга ва шунинг эвазига қўшимча даромад олишга мойиллиги шу даражада кучайишга олиб келади. Шу боис, банклар учун, биринчи галда, ўз

мижозларининг ишончини қозониш, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ана шу вазифалар ва меъёрлар қарор топган жойда мижоз манфаати, банк муассасасига мурожаат этувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истаги тўла қаноатлантирилади, демак, банкка ташриф буюрувчилар, бўш маблағларини ҳеч бир шубҳасиз ишониб топширадиганлар сафи кенгаяди. Натижада банк ресурслари ҳажми кўпаяди. Бу эса қўшимча пул маблағларига эҳтиёж мавжуд бўлган иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш имкониятларини беради.

Тижорат банкларида аҳоли жамғармаларини кўпайтириш ва уларини ҳисобга олиш операцияларини ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш.

2. Тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ва пул бозорида жойлаштириш.

3. Банк инфратузилмалари, хусусан, мини-банклар ва махсус кассалар тармоғини кенгайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш; ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали банк хизматларининг сифатини янада юксалтириш ва кўламини кенгайтириш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш.

4. Муддатли ва жамғарма депозитларини кўпроқ жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

5. Аҳоли жамғармаларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш тартиби бўйича хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ва ижобий томонларини мамлакатимиз банк тизимида қўллаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик ишлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2014й.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни 1995 йил 21 декабр.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни//Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.

1.4. Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги қонуни 2006 йил.

1.5. Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги қонуни 2009 йил.

1.6. Ўзбекистон Республикаси “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни 2009 йил.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида». 7 ноябрь 2007 й.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрель.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сон “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувчи қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон банк

тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 2217-сон, 04.04.2011 й.) Низом

1.13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13 июндаги 14/3 – сонли “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган);

1.14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14 – сонли “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган).

1.15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 5 августдаги “Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисида”ги 2706-сонли Низоми

1.16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 5 августдаги “Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисида”ги 2707-сонли Низоми

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий

йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

1.18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/11-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 26 августда 2711-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)

1.19. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Т.Ўзбекистон, 2014й. 64 б.

1.20. И.Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”.Т.:Ўзбекистон.2016 йил 16 январь

1.21.Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Тошкент.: Ўзбекистон. 2012. 36 бет.

1.22.Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

1.23.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон. 2011.

1.24.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.

1.25.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.

1.26. Каримов И.А. Жахон молиявий иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баратараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон- 2009.

1.27. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

1.28. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Тошкент, Молия, 2007.

1.29. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент, Молия, 2002.

1.30. Арзуманян С.Ю. «Банковские риски» Учебное пособие./ - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007г.

1.31. Ачилов М.Ф., Безбородов А.Г., Газибеков Д.Г., Котов В.А., Проблемы интеграции банковской системы Узбекистан в мировое банковское сообщество. - Т.: Молия, 2006.

1.32. Бабаев Б.Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование. Автореферат дис. на соиск. уч. ст. канд. экон. наук. - Ташкент, 2002.

1.33. Бабакулов Т., Юсупов А. Обеспечение достаточности капитала коммерческих банков // Рынок, деньги и кредит. Т.: 2004. - № 10.

1.34. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. -4-е изд., стереотип.. -М.: КноРус, 2013. -264 с.

1.35. Банковские риски. под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой; Финансовая академия при Правительстве РФ. -2-е изд., стереотип.. -М.: КноРус, 2012. -232 с. -

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Собиров Б. Банк хатарлари турлари. // Бозор, пул ва кредит. 2000 й.

2.2. Тухтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни баратараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. - Тошкент, 2007.

2.3.Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.- Т.: Ўзбекистон, 2011.- 296с.

2.4.Маматкулов Х. “Ипотека муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ” «Бозор, пул ва кредит», 2007 й. № 5-сон.

2.5.Қодиров А. «Тижорат банкларини фаолиятининг таҳлили» «Бозор, пул ва кредит», 2005 й. № 5-сон.

2.6.Қодиров А. Кредит бериш механизмини такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. – №6. – Б. 10-13.

2.7.Қоралиев Т. Қуллиев И. “Кредит операциялари самарадорлигини ошириш”, Бозор пул ва кредит, 2007 йил 12-сон.

2.8.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1 Интернет сайтлари

www.uba.uz- Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси расмий сайти

www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами

www.stat.uz.- Республикаси Статистика қўмитасининг расмий сайти

www.bfa.uz-Bank – Банк –молия академияси расмий сайти

www.cbu.uz--Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти

www.uzreport.com-Ўзбекистон бизнес янгиликлари

www.gov.uz- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портал

www.Ahbor.uz- Ахбор рейтинг рейтинг агентлиги расмий сайти

www.bankir.uz-Банк ахборотлари портал

www.mf.uz- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти